



- Сайловда иштирок этишга ҳақли эмассиз
- Ҳомиладор экансизб ишдан бўшатамиз
- Ким билан никоҳ қуришни биз айтамыз
- Давлат хизматида аёллар ишлаши мумкин эмас
- Ҳомиладор экансиз ишга олмаймиз

Аёллар барча сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга. Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция. 1-модда

- Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш тақиқланади. **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 42-модда**
- Аёллар давлат хизматида кириш ҳуқуқига эга. **Аёлларни камситишга барҳам бериш тўғрисида декларация. 5-модда**
- Эркак ва аёллар никоҳдан ўтишда, ўзининг розилиги билан турмуш ўртоғини эриқ танлашда тенг ҳуқуққа эга. **(Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида” Конвенция. 16-модда)**
- Ҳомиладорлик сабабли ишдан бўшатиш санкциялар қўлланиш таҳдиди остида ман қилинади. **Аёлларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида Конвенцияси. 11-модда**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ
КЕНГАШИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

**З.А.АМИРОВ
А.Б.ДАВРОНОВ**

**АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ МИЛЛИЙ ВА
ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИКДА ТАЪМИНЛАНИШИ
(Рисола)**

Тошкент-2023

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2023 йил 31 майдаги 6-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

УДК:343,4

ББК: 67,400

С 39

Амиров З.А., А.Б.Давронов

Аёллар ҳуқуқлари ҳимоясининг миллий ва халқаро қонунчиликда таъминланиши. Рисола. – Тошкент. «Lesoon press» нашриёти. 2023. – 106 б.

Масъул муҳаррир:

М.Маҳаматов – юридик фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар:

Н.Ф.Дадабаева – доц. в/б., Судьялар олий мактаби ўқитувчиси.

Д.Чориева - юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, Судьялар олий мактаби доценти в/б.

Мазкур рисолада аёллар ҳуқуқлари ҳимоясининг миллий ва халқаро даражада таъминланганлиги кафолатини Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш тўғрисида декларация, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Нью-Йорк Конвенцияси, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида Нью-Йорк Конвенцияси ва миллий ҳуқуқ нормалари мисолида асослаб бериш билан бирга эркин никоҳ қуришда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уни бузганлик учун жавобгарлик масалалари, хотин-қизларнинг турли зўравонликлардан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари ва хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқи кафолатлари халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, гендер муносабатлари турли соҳалар кесимида ёритиб берилган.

Рисола судьялар, судлар аппарати ходимлари, юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар, ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари, докторантлар, тадқиқотчилар, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курси тингловчилари, талабалар ҳамда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий кафолати билан бевосита қизиқувчи кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

© З.А.Амиров, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, 2023 й.

МУНДАРИЖА

	Кириш сўзи	5
1.	Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация	7
2.	Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Нью-Йорк Конвенцияси	13
3.	Гендер тенглик муносабатлари	22
4.	Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари	45
5.	Эркин никоҳ қуришда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва уни бузганлик учун жавобгарлик	51
6.	Хотин-қизларнинг турли зўравонликлардан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари	55
7.	Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқи кафолатлари	76
8.	Адабиётлар рўйхати	102

КИРИШ СЎЗИ

*Аёл фариштадир аёл мўъжиза
Аёлни хўрламанг аёл ожиза
Аёлни эъзозланг аёл бу - Она
Аёлсиз бу дунё бўлур девона.*

Аёл баъзан ожиза, баъзан химоячи, баъзан сабрсиз, баъзан шунчалар сабрли-ки унинг сабри олдида тоғу-тошлар ҳам ожиз. Ўзи меҳр булоғи бўлса-да доим меҳрга муҳтож. Кези келса ёш боладек кучсиз, кези келса Алпомишдек паҳлавон. Баъзида қаҳри қаттиқ жаҳлдор, баъзида халимдек мулойим.

У неча ёшда бўлмасин, қанчалик кучли кўринмасин қалбида доим меҳрга муҳтожлик сезадиган нозик хилқатдир.

Сўнги даврларда дунё давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари шиддат билан кенгаймоқда. Ушбу олабийлашув натижасида халқларнинг ўзаро маданият алмашуви, бир-бирларининг турмуш тарзи, дунёқарашидан таъсирланиши оқибатида ижобий ютуқлар билан бир қаторда салбий ҳолатлар ҳам урчиб бормоқда. Биламиз-ки, инсоннинг бошқа мавжудодлардан фарқи, бу унинг онгли эканлигидир. Бироқ, бугунги кун жамиятида баъзи одамлар томонидан “инсон” деб аталмиш онгли мавжудод учун мутлақо ёд бўлган ноинсоний маданиятлар шакллантирилмоқда. Ўзлари томонидан ўйлаб топилган турли хил дунёқараш ва тутумлар асосида ўзгалар ҳуқуқларини поймол қилиш ҳоллари одат тусига айланиб бормоқда. Ушбу ҳақиқат айнан халқимиз тилида “ожиза”, “нозик хилқат” деб аталмиш аёлларга бўлаётган турли ноҳақлик ва шафқатсизликлар борасида ҳам яққол кўринмоқда десак асло хато бўлмайди. Шу жиҳаттан, сўнги йилларда нафақат бир мамлакат доирасида балки, бутун дунё бўйлаб аёлларнинг ҳуқуқлари химояси масаласи долзарб мавзулардан бирига айланмоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш юзасидан дунё давлатлари ички чора-тадбирлардан ташқари ўзаро келишув асосида халқаро даражада турли келишувлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон мисолида тўхталадиган бўлсак, мамлакатимизда ҳам бугунги кунга қадар аёлларнинг шахсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа шу каби соҳаларга оид ҳуқуқлари кафолати юзасидан бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Энг муҳими янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига “*ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиши, ишдан бўшатилиши ва уларнинг иш ҳақини камайтириши тақиқланади*” (42-модда), “*давлат хотин-қизлар ва эркаларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришида, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди*” (58-

модда)¹ каби нормаларнинг киритилганлиги мамлакатимиз томонидан амалга оширилган таҳсинга сазовор иш бўлди десак, асло муболаға бўлмайди. Унга қадар Бош қомусимиз ҳисобланмиш Конституциямизда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлигини эътироф этувчи норма бор эди холос (46-модда).

Киритилган янги нормаларга кўра, эндиликда ҳомиладор ёки ёш болали аёллар томонидан ишга қабул қилишни сўраб мурожаат қилинса иш берувчи бўш иш ўрни бўлсада, аризачини ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини сабаб қилиб ишга қабул қилишни рад этаолмайди. Ёки бўлмаса ишлаётган ҳомиладор ёки ёш болали аёлларни уларнинг иш самарадорлиги пастлигини асос қилиб ишдан бўшатаолмайди.

Бундан ташқари, хотин-қизлар жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол иштирок этиш имконияти кенгайди. Бугун хотин-қизларнинг улуши бошқарув лавозимларда **33 фоизни**, Олий Мажлисда эса **32 фоизни**, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида **82** фоизни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида **72** фоизни, саноатда **38** фоизни, тадбиркорликда **35** фоизни, олий таълимда **46** фоизни ташкил этиши ҳам дастлабки қадам сифатида ижобий баҳолаш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>

1. ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН КАМСИТИШЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

Аёл ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўплаб халқаро шартномалар, конвенциялар, резолюциялар, декларациялар ва ҳаракатлар дастурларида кафолатланган асосий инсон ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартнома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси (СЕДАW) ва унинг Факультатив протоколи ҳисобланади. Бундан ташқари, аёллар ҳуқуқлари БМТ Низоми ва БМТнинг бошқа шартномаларининг, жумладан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш тўғрисида декларация, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияларда ҳам алоҳида эътироф этилади.

Аёллар ҳуқуқлари - бу аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, фуқаролик ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлайдиган ҳуқуқлардир. Улар аёлларни жинсга қараб камситишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.

Аёл ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўплаб халқаро шартномалар, резолюциялар, декларациялар ва ҳаракатлар дастурларида кафолатланган асосий инсон ҳуқуқларидан биридир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1967 йил 7 ноябрдаги 2263 (XXII) - резолюцияси билан “Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация” қабул қилинган.

БМТ Бош ассамблеяси,

Бирлашган Миллатлар халқлари Низомда ўзларининг инсоннинг асосий ҳуқуқлари, инсон шахсиятининг кадр-қиммати ва эркак ҳамда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига ишончини яна бир бор тасдиқланганликларини *ҳисобга олиб,*

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси камситишга йўл қўймаслик тамойилини тасдиқланганлиги ва барча инсонлар туғилгандан эркин ҳамда ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқлари бўйича тенг бўлиши ва ҳар бир инсон бирор -бир, шу жумладан, жинсий мансублиги бўйича ажратишларсиз унда қабул қилинган барча ҳуқуқларга эга бўлиши шартлигини эълон қилганлигини *ҳисобга олиб*,

Аёл ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигига кўмак бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва махсус муассасалар томонидан қабул қилинган резолюция, декларация, конвенция ва тавсияларни *эътиборга олиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда махсус муассасаларнинг бошқа ҳужжатларига қарамай ва тенг ҳуқуқлилик борасида эришилган ютуқларга қарамай, хотин -қизларга нисбатан жиддий камситиш ҳамон давом этаётганлигидан *ташвишланиб*,

хотин-қизларга нисбатан камситиш аёлнинг инсон сифатидаги кадр-қиммати, оила ва жамият фаровонлигига номувофиқлиги, унинг эркаклар билан тенг шароитларда ўз мамлакатининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишига ҳалал бериши ва аёлнинг ўз давлати ва инсониятга хизмат қилиш йўлидаги имкониятларини тўлиқ ривожлантиришга тўсиқ эканлигини *ҳисобга олиб*,

хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга қўшган катта ҳиссаси ва уларнинг оиладаги, ва айниқса фарзандлар тарбиясидаги ўрнини *эсда тутиб*,

мамлакатнинг тўлақонли ривожланиши, бутун дунёнинг фаровонлиги ва тинчлиги хотин-қизларнинг максимал равишда барча соҳаларда эркаклар билан тенг иштирок этишини талаб қилишига *қатъий ишониб*,

эркак ва аёллар тенглиги тамойилининг қонунчилик ва амалиётда умумий эътироф этилишини таъминлаш зарур, *деб ҳисоблаб*,

Ушбу Декларацияни тантанали равишда эълон қилади:

Декларацияда аёлларнинг қуйидаги ҳуқуқлари ўз аксини топган: Хотин-қизларга нисбатан уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини рад этиш ёки чеклашга олиб келадиган камситиш ўз негизига кўра адолатсизлик ва инсон қадр-қимматига қарши жиноят ҳисобланади(1-модда).

Аёлларга нисбатан камситилиш ҳисобланган мавжуд қонун, одат, қарор ва амалиётларни бекор қилиш, эркак ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги бўйича тегишли юридик (ҳуқуқий) ҳимоя белгилаш учун барча зарурий чоралар қабул қилиниши керак, хусусан:

- a) эркак ва аёллар учун тенглик тамойили Конституцияга киритилиши ёки бошқача тарзда қонун билан кафолатланиши керак;
- b) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва махсус муассасаларнинг аёлларга нисбатан камситишга барҳам беришга тааллуқли халқаро ҳужжатлари ратификация қилиниши ёки уларга бирлашиш лозим, ва улар имкони борича қисқа фурсатда ҳаётга татбиқ этилиши лозим(2-модда).

Хотин – қизларнинг норасолиги ғоясига асосланган хурофотларга барҳам бериш ва шу борадаги одатлар ҳамда бошқа амалиётларни бекор қилишга жамоатчилик фикрини тайёрлаш ва миллий саъй-ҳаракатларни йўналтириш мақсадида барча тегишли чоралар қабул қилиниши лозим(3-модда).

Хотин-қизлар учун ҳеч қандай камситишларсиз эркаклар билан тенг шартлар асосида қуйидагиларни таъминлаш учун барча тегишли чоралар қабул қилиниши лозим:

Хотин-қизлар учун ҳеч қандай камситишларсиз эркаклар билан тенг шартлар асосида қуйидагиларни таъминлаш учун барча тегишли чоралар қабул қилиниши лозим:

- a) сайловда овоз бериш ҳуқуқи ва оммавий сайлов идораларига сайланиш ҳуқуқи;
- b) барча оммавий референдумларда овоз бериш ҳуқуқи;
- c) давлат хизматига кириш ҳуқуқи ва барча жамоатчилик функцияларини бажариш ҳуқуқи.

Бу ҳуқуқлар қонунчилик билан кафолатланиши керак(4-модда).

Хотин-қизлар фуқароликни олиш, ўзгартириш ва сақлаб қолиш бўйича эркаклар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиши керак. Чет эллик фуқаро билан никоҳ қуриш рафиқасининг фуқаролигига автомат тарзда таъсир қилмаслиги, айнан эса, уни фуқароликдан маҳрум қилмаслиги ва эрининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур қилмаслиги лозим(5-модда).

1. Жамиятнинг асосий бўғини(ячейкаси) ҳисобланган оиланинг ҳамжихатлиги ва бирлигини сақлашга зиён етказмаган ҳолда, турмушга чиққан ва чиқмаган аёллар фуқаролик ҳуқуқи соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлишини таъминлаш учун барча тегишли, асосан, қонуний чора-тадбирлар қабул қилиниши керак, хусусан:

a) хусусий мулк сотиб олиш ва мерос қилиб олиш, шунингдек, уни бошқариш, ундан фойдаланиш ва идора қилиш ҳуқуқи, бунга никоҳ даврида сотиб олинган мулк ҳам киради;

b) тенг ҳуқуқлилик ва лаёқатлилик ҳуқуқи;

c) ҳаракатланишда қонунчилик нуқтаи назаридан эркаклар билан бир хил ҳуқуқлар.

2. Эр ва хотин ўртасида тенглик тамойилини таъминлаш учун барча тегишли чоралар қабул қилиниши керак, хусусан:

a) хотин-қизлар эркин равишда умр йўлдоши танлаш ва ўзининг эркин ҳамда тўлиқ розилиги билан никоҳ қуриш учун эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши лозим;

b) Аёллар никоҳда бўлган даврда ва уни бекор қилишда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Барча ҳолатларда болаларнинг манфаатлари асосий ўринда бўлиши шарт;

c) Ота-оналар фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши керак. Барча ҳолатларда болаларнинг манфаатлари асосий ўринда бўлиши шарт.

3. Жинсий етукликка эришгунча болалар ўртасида никоҳ ва қизларни унаштириш ман этилиши керак ҳамда никоҳни фуқаролик ҳолатлари ҳужжатларида мажбурий қайд этиш мақсадида энг кичик

ёш чегарасини белгилаш учун самарали, шу жумладан қонуний чоралар кўрилиши лозим(6-модда).

Жиноий қонунчиликда хотин-қизларга нисбатан камситиш характеридаги барча қоидалар бекор қилиниши(7-модда), Хотин-қизлар савдосининг барча турлари ва фоҳишабозликдан фойдаланишга барҳам бериш учун барча тегишли, шу жумладан, қонуний чоралар кўрилиши(8-модда), Қизлар ҳамда турмуш қурган ва турмуш қурмаган аёллар учун барча даражада таълим соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқни таъминлаш учун барча тегишли чоралар кўрилиши лозим, хусусан;

a) уларнинг таълим олиши, ҳар қандай турдаги таълим муассасалари, шу жумладан, университетлар ва касбий, техник ва махсус мактабларда ўқиши учун;

b) таълим муассасалари икки жинсдаги шахсларнинг таълим олиши учун мўлжалланган ёки мўлжалланмаганлигидан қатъий назар, худди шундай таълим дастурлари, бир хил имтихонлар, худди ўшандай малакага эга бўлган ўқитувчилар таркиби, худди ўша сифатдаги ўқув хоналари ва жиҳозлари;

c) таълим олиш учун стипендия ва бошқа дотациялар олиш учун тенг имкониятлар;

d) келгуси таълим дастурлари, шу жумладан, катталарнинг савод чиқаришини таъминлаш дастурларидан фойдаланишда тенг имкониятлар;

e) оилаларнинг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун таълим соҳасидаги материаллардан фойдаланиш имконияти(9-модда).

1. Турмуш қурган ва турмуш қурмаган хотин-қизлар учун ижтимоий-иқтисодий фаолиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқларни таъминлаш учун барча тегишли чоралар кўрилиши керак, хусусан:

a) фуқаролик ҳолати ёки бошқа белгилари бўйича камситишларсиз касбий тайёргарлик, ишлаш, эркин касб ва машғулот танлаш ҳамда ўз касби ва ихтисослиги бўйича такомиллашиб бориш ҳуқуқи;

b) тенг меҳнат учун эркаклар билан тенг тўлов ва тенг моддий таъминот ҳуқуқи;

с) ҳақ тўланадиган таътил, пенсия таъминоти ва ишсизлик, касаллик, қариллик ҳамда меҳнат қобилиятини йўқотишнинг бошқа кўринишларида моддий таъминот олиш ҳуқуқи;

д) оила учун эркаклар билан тенг ҳуқуқли нафақа олиш ҳуқуқи.

2. Хотин-қизларни никоҳда бўлганлиги ёки ҳомиладорлиги учун камситилишининг олдини олиш ва уларнинг ишлашга бўлган самарали ҳуқуқини таъминлаш мақсадида уларнинг никоҳ қурганлиги ёки ҳомиладорлиги сабабли ишдан бўшатилишининг олдини олиш ва аввалги ишига қайтиши кафолати билан ҳомиладорлиги бўйича ҳақ тўланадиган таътил тақдим этиш ҳамда зарурий ижтимоий хизматлар турини (болаларни боқиш имкониятини ҳам эътиборга олган ҳолда) таъминлаш учун тегишли чоралар кўрилиши керак.

3. Хотин-қизлар организмнинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайян турдаги ишларда уларни ҳимоя қилиш учун қабул қилинган чоралар камситиш, деб ҳисобланмаслиги лозим(10-модда).

1. Эркаклар ва аёллар ўртасида тенг ҳуқуқлилик тамойили БМТ Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига мувофиқ равишда уни барча давлатларда ҳаётга татбиқ этишни тақозо этади.

2. Шунинг учун ҳукуматлар, нодавлат ташкилотлари ва жисмоний шахсларга ушбу Декларацияда кўрсатилган тамойилларни амалга оширишга кўмак бериш учун қўлдан келган барча имкониятни ишга солишни тавсия қиламиз(11-модда).

2. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА НЬЮ-ЙОРК КОНВЕНЦИЯСИ

Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига эришиш йўлида 1979 йил 18 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш туғрисидаги Конвенцияни қабул қилди. Конвенция хотин-қизларга нисбатан фақат унинг аёллиги асосида қўлланувчи истисно ва чеклашларнинг турли кўринишларини жамлаб, аёлларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, барча соҳаларда уларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чақиради.

Шунингдек, хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва бир хилдаги ўқув дастурларига эга бўлишда тенгликни таъминлашга, меҳнат ҳаққи ва иш билан бандликда аёлларнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳолларни тугатишни ҳамда хотин-қизларнинг турмушга чиққанида ва она бўлган пайтида иш билан таъминлаш кафолатини назарда тутди. Конвенцияда қишлоқ жойларда яшовчи аёллар дуч келаётган муаммоларга ҳамалоҳида эътибор берилган.

Конвенцияга кўра, давлатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган барча шартнома ва бошқа ҳусусий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга келишиб оладилар.

Ушбу Конвенцияга кўра, иштирокчи давлатлар хотин-қизлар камситилишининг барча шакллари қоралаб, зудлик билан барча тегишли усуллар орқали хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш сиёсатини юргизишга келишадилар ва шу мақсадда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

а) эркалар билан аёллар ўртасидаги тенглик тамойилини, агарда бу ҳозиргача қилинган бўлмаса, миллий Конституцияга ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли

воситалар ёрдамида ушбу тамойилни амалиётга жорий этишни таъминлаш;

б) хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини таъқиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни кўриш, зарур бўлганда санкцияларни қўллаш;

в) эркаклар билан тенглик асосида аёлларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан ҳимояланишни ўрнатиш, ваколатли миллий судлар ва давлат муассасаларининг ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

г) хотин-қизларнинг камситадиган бирон бир ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш, давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ фаолият кўрсатишларига кафолат бериш;

д) бирон-бир шахс, ташкилот, ёки корхона томонидан хотин-қизлар камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

е) хотин-қизларни камситувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш;

ж) хотин-қизларни камситишдан иборат бўлган ўзининг жиноятчиликка оид қонунларининг барча моддаларини бекор қилиш(2-модда).

Конвенцияга иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни қабул қилишларидан мақсад, **биринчидан**, эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва маданий ҳуқ-атвор моделларини битта жинс иккинчиси устидан устун бўлиши ёки эркак ва аёлнинг бир хил роли ғоясига асосланган ҳурофий урф-одатлар, бидъатлар ва шунга ўхшаш ҳолларни тугатиш ва бекор қилиш мақсадида ўзгартириш;

Иккинчидан, болалар манфаатлари барча ҳолларда устун кўришини назарда тутиб, оилавий тарбия ўз ичига оналикни ижтимоий вазифа сифатида тўғри англаниши ҳамда эркак ва аёлларнинг ўз

болалари тарбияси ва камолоти учун умумий жавобгарлиги эътироф этилиши қамраб олинисини таъминлаш².

Аъзо давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўради. Жумладан, конвенциянинг 7-моддасида иштирокчи давлатлар томонидан аёлларга эркаклар билан тенг шарт-шароитлар асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлаш масаласи белгилаб қўйилган:

а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ва оммавий сайланадиган органларга сайланиш;

б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш;

в) мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёт муаммолари билан шуғулланадиган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида қатнашиш.

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида ва ҳеч қандай камситишсиз халқаро миқёсда ўз ҳукуматлари номидан вакиллик қилиш ва халқаро ташкилотлар ишида қатнашиш имкониятларини таъминлаш мақсадида барча тегишли чораларни кўради.

Шунингдек, конвенцияда аёлларнинг фуқаролик масалалари ҳам эътибордан четда қолмаган. Унга кўра, иштирокчи давлатлар фуқаролигини қабул қилиш, уни ўзгартириш ёки сақлаб қолишда аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқларни беради. Улар, жумладан, чет эл кишисига турмушга чиққанда ҳам, турмушга чиқаётган вақтда турмуш ўртоғининг фуқаролиги ўзгарганда ҳам аёлнинг фуқаролиги ўз-ўзидан ўзгаришига олиб келмайди, уни фуқаролиги бўлмаган шахсга айлантормади ва эрининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур эта олмайди ҳамда иштирокчи давлатлар аёлларга ўз

² Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция. 5-модда. 1979 йил 18 декабрь. Нью-Йорк.

фарзандларининг фуқаролигига нисбатан эркаклар билан тенг ҳуқуқлар беради(9-модда).

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш, аёлларнинг эркаклар ва аёллар тенглиги асосида таълим олиш соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради. Жумладан, қуйидагиларни таъминлайди:

а) шаҳар туманлари сингари қишлоқ жойларида ҳам барча тоифадаги ўқув юртларида билимдан баҳраманд бўлиш ва диплом олиш, касб-кор ёки мутахассисликни танлашда бир хил шароитларни яратиш, бундай тенглик мактабгача тарбия, умумтаълим, ўрта махсус ва олий техник маълумот олишда, шунингдек, касбга тайёрлашнинг барча турларида таъминланади;

б) бир хил ўқув дастурларига, бир хил имтиҳонларга, бир хил малакали ўқитувчилар таркибига, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларига эга бўлиш;

в) барча таълим олиш босқичлари ва шаклларида эркак ва хотин-қизлар ролининг биргаликда ва бошқа хилдаги таълим олиш йўли орқали ҳар қандай бир қолипдаги концепциясини бартараф этиш ва шу асосда, жумладан, ўқув кўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан шу мақсадга эришиш;

г) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олиш имкониятларининг бир хиллиги;

д) эркаклар ва аёллар билимдаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезлик билан қисқартиришга йўналтирилган функционал саводхонлик дастури ва катта ёшдагилар орасидаги саводхонликни оммалаштириш дастурларини назарда тутиб, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланиш имкониятларининг бир хиллиги;

е) мактабни тугатмаётган қизлар сонини камайитириш ва мактабни барвақт тарк этган аёллар ва қизлар учун алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш;

ж) жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар яратиш;

з) оилалар соғлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим соҳасига бағишланган махсус ахборотларга, шу жумладан оиланинг катта-кичиклигини: режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва йўл-йўриқ маълумотларига эга бўлиш(10-модда).

Хотин-кизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишини бартараф этиш, айти вақтда эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни, жумладан, қуйидаги ҳуқуқларни таъминлаш чораларини кўрадилар:

а) барча инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқи;

б) ишга ёллашда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга ишга ёллашда бир хил танлаш мезонларини қўллаш ҳуқуқи;

в) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва иш билан банд этиш кафолатига эга бўлиш, шунингдек, шогирдлик, юқори даражадаги касб бўйича тайёргарлик ва мунтазам суратда малака оширишни ўз ичига олган ҳолда меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитларидан тўлиқ фойдаланиш, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқи; г) имтиёзлар олишни ҳам ҳисобга олган ҳолда тенг мукофотланиш, бир хил кимматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек, иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиш ҳуқуқи;

д) жумладан нафақага чиқиш, ишсиз қолиш, касаллик, ногиронлик, қарилик ва меҳнат қобилиятини йўқотишдан иборат бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи шунингдек, ҳақи тўланадиган таътил ҳуқуқи;

ж) соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларга эга бўлиш, шунингдек, наслини давом эттириш вазифасини сақлаб қолиш ҳуқуқи.

Аёлларнинг турмушга чиқмаганлиги ёки оналиги сабабли камситилишининг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишнинг самарали

ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида, иштирокчи давлатлар қуйидагиларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўрадилар:

а) ҳомиладорлик сабабли ишдан бўшатишни ёки ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилга чиқаришни ёхуд оилавий аҳвол туфайли камситишни санкциялар кўлланиш таҳдиди остида ман қилиш;

б) охириги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ҳақи тўланадиган таътиллار ёки таққослама ижтимоий нафақалар, тўланадиган таътиллар жорий этиш;

в) ота-оналар оилавий бурчларининг бажарилишини меҳнат фаолияти ва жамоат ҳаётдаги иштироки билан бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш учун, жумладан, болаларни тарбия қилиш муассасалари тармоғини кенгайтириш йўли билан, қўшимча зарур ижтимоий хизмат кўрсатишни рағбатлантириш;

г) аёллар ҳомиладорлиги даврида уларнинг саломатлиги учун зарарли деб исботланган меҳнат турларида алоҳида ҳимоялашни таъминлаш;

3. Мазкур моддада ўз аксини топган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга тааллуқли қонунчилик илмий-техникавий билимлар асосида вақти-вақти билан кўриб чиқилади, шунингдек, заруратга қараб қайтадан кўрилади, бекор қилинади ёки кенгайтирилади(11-модда).

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишига барҳам бериш мақсадида, эркак ва аёлларга тиббий хизматни тенг таъминлаш, оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш масалаларида тегишли барча чораларни кўради ҳамда аёлларнинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврида тегишли хизматлар билан таъминлайди ва зарурият туғилганда, бепул хизматлар кўрсатадилар, шунингдек, ҳомиладорлик ва эмизикли даврида керакли озиқ-овқатларни етказиб беради(12-модда).

Иштирокчи давлатлар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш, шу билан бирга эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида уларнинг тенг

ҳуқуқларини таъминлаш борасида тегишли барча чораларни кўрадилар, жумладан қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) оилавий нафақа ҳуқуқи;

б) кўчмас мулк ҳисобига қарз ва бошқа шаклдаги молиявий кредитларни олиш ҳуқуқи;

в) дам олиш билан боғлиқ тадбирларда, спорт машғулотларида ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида қатнашиш ҳуқуқи(13-модда).

Бундан ташқари, қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар дуч келадиган алоҳида муаммоларни ва уларнинг ўз оилалари иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнашини, шунингдек, уларнинг товарсиз хўжалик тармоқларидаги фаолиятини эътиборга олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчи аёлларга нисбатан мазкур Конвенция қоидаларининг қўлланилишини таъминлаш борасида барча тегишли чораларни кўради. Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш, эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш ва бундай ривожланишдан наф кўриш учун барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, бундай хотин-қизларга қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча даражаларда ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

б) оилани режалаштириш масалалари бўйича ахборотлар, маслаҳатлар ва хизматларни қўшган ҳолда тегишли тиббий хизмат кўрсатилишига эришиш;

в) ижтимоий суғурта дастурлари қулайликларидан бевосита фойдаланиш;

г) жумладан, хотин-қизларнинг техникавий билим савиясини ошириш мақсадида функционал саводхонликни ҳисобга олган ҳолда барча турдаги расмий ва норасмий таълим ва тайёргарлик олиш, шунингдек, барча турдаги жамоа хизматларидан, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматидан фойдаланиш;

д) мустақил меҳнат фаолияти ёки ишга ёллаш орқали тенг иқтисодий имкониятларни таъминлаш учун ширкатлар ва ўз ўзига ёрдам кўрсатиш гуруҳларини ташкил этиш;

е) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

ж) қишлоқ хўжалик кредитлари ва заёмларига, сотиш тизимиغا, тегишли технологияларга, ер ва аграр ислохотларда, шунингдек ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эришиш;

з) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса, уй-жой шароитларидан, санитария хизматидан, электр ва сув таъминотидан, шунингдек, транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш(14-модда).

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг қонун олдида эркаклар билан тенглигини тан оладилар ва хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини ва уларни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини беради. Жумладан, улар мулкни бошқариш ва шартномаларни тузиш вақтида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини, шунингдек, трибунал ва суд муҳокамасининг барча босқичларида уларга нисбатан тенг муносабатни таъминлайди. Давлатлар шунга қўшиладиларки, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳар қандай ҳуқуқий шартномалар ва бошқа ҳар хил хусусий ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Давлатлар томонидан эркак ва хотин-қизларга шахснинг кўчиб юриши, яшаш ва турар жойни танлаш эркинлигага тааллуқли бўлган қонунчиликка нисбатан бир хилдаги ҳуқуқлари берилади(15-модда).

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли ҳамма масалаларда камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўрадилар. Жумладан, эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) никоҳдан ўтишда бир хил ҳуқуқлар;

б) турмуш ўртоғини эркин танлаш ва никоҳдан фақат ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан ўтишда тенг ҳуқуқлар;

в) никоҳдан ўтиш ҳамда уни бекор қилиш пайтида бир хилдаги ҳуқуқ ва бурчлар;

г) болаларга тааллуқли бўлган масалаларда оилавий шароитидан қатъи назар, барча вазиятда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда, эркак ва аёллар ота-она сифатида бир хилдаги бурч ва ҳуқуқларга эга бўлиши;

д) оилада болалар сони, уларнинг туғилиши ўртасидаги ёши масаласини эркин ва масъулиятли ечишда ва бу ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаб берадиган воситаларга, маълумотларга ва таълим олишга бир хилда ёндашиш ҳуқуқига эга бўлиш;

е) болаларни фарзандликка олиш, ваколат бериш, тарбиялаш, васийлик қилиш ёки шунга ўхшаш вазифаларни миллий қонунга асосан амалга оширишда барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда бир хил бурч ва ҳуқуқларга эга булиш;

ж) эр ва хотиннинг тенг шахсий ҳуқуқлари, шу жумладан, исми-шарифини, касб ва машғулоти танлаш ҳуқуқи;

з) эр-хотиннинг мол-мулкка бепул ва пуллик эгаллик қилиш, сотиб олиш, бошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш борасидаги тенг ҳуқуқлари.

2. Болани унаштириб қўйиш ва никохлаш юридик кучга эга бўлмайди, никоҳдан ўтишнинг энг қуйи ёшини аниқлаш ва никоҳларни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш мақсадида, барча зарур, шу жумладан, зарур қонунчилик чоратадбирлари кўрилади(16-модда).

3. ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Гендер тенглик жамият ривожидида муҳим бўлган ижтимоий муносабатларда долзарб аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда янада яққол намоён бўлмоқда. Бугун оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Гендер стратегияси доирасида гендер тенглик тушунчаси жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт муносабатларида хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини англатади.

Гендер тушунчаси фақат аёллар манфаатларини ифодаламайди. Ҳар икки жинс вакилларининг ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлаши, ҳаёт сифатини ошириш учун бир хил имкон бериш кераклигини илгари суради. Айнан ривожланган жамиятнинг талабларидан бири бу эркек ва аёл ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш ҳисобланади. Бу ўз навбатида ҳар бир мамлакатда сиёсий ва иқтисодий ўсишга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи БМТ Аёллар ташкилоти мавжуд бўлиб, у БМТ Аёллар ташкилоти бутун дунё бўйлаб аёллар ва қизлар учун барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш мақсадини кўзлайди ва **4 та стратегик устуворликка** эътибор қаратган ҳолда ҳаётнинг барча жабҳаларида аёлларнинг тенг иштирокини қўллаб-қувватлайди:

- ҳукумат фаолиятида аёллар бошқаруви ва иштироки тенг;
- аёлларнинг даромад олиш, муносиб иш танлаш ва иқтисодий мустақилликка эга бўлиш имконияти;
- барча аёллар ва қизлар зўравонликнинг барча шаклларида холилиги;
- аёллар ва қизлар барқарор тинчлик ва инсонпарварлик ҳаракатларидан тенг фойда олиши.

Ташкилот қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- аёлларнинг ҳуқуқий мақоми бўйича комиссия ва ҳукуматлараро органларни сиёсат, глобал мезонлар ва меъёрларни ишлаб чиқишда қўллаб-қувватлаш;

- аъзо давлатларга ушбу мезонларни жорий этишда ёрдам бериш, талаб қилган мамлакатларга тегишли техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш ва фуқаролик жамияти билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- БМТ тизимининг гендер тенглиги бўйича ишига раҳбарлик қилиш, мувофиқлаштириш ва масъулиятни ошириш, шу жумладан тизим миқёсида мунтазам мониторинг ўтказиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда гендер тенглик борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмунига эътибор қаратиладиган бўлса, асосан хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, аёлларнинг ҳокимият ҳамда бошқарув соҳаларида фаолият кўрсатишини таъминлашга урғу берилаётганлигини кўриш мумкин. Ва буни кўрган ҳар бир шахс гендер тенглик деганда аёллар ҳуқуқлари тушунилар экан деган хулосага келиши мумкин. Бироқ, аслида ундай эмас. Юқорида таъкидланганидек, гендер тенглик бу эркак ва аёл ҳуқуқлари тенглигининг таъминланишидир. Аёлларга урғу берилаётганлиги сабабини эса, турли соҳаларда фаолият юритишда аёлларнинг эркакларга нисбатан жуда кам фоизни ташкил этаётганлигида ёки бўлмаса, умуман аёлларнинг иштирок этмаётганлигида кўриш мумкин. Шу жиҳаттан, асосий эътибор аёлларга қаратилмоқда.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясига кўра, гендер стратегиясининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади³:

- хотин-қизларнинг ер ва мулкка нисбатан эгалик қилиш имкониятларини кенгайтириш;

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига 1-илова. 28.05.2021 йил. СҚ-297-IV-сон

жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан ҳамда спорт муносабатларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш, қарор қабул қилишда уларнинг етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни яратиш;

хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ салбий қарашларни ўзгартириш;

аҳоли бандлиги соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни, шунингдек, муносиб иш ўринларини яратиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг тижорат банкларидан кредит олишга бўлган имкониятларини кенгайтириш;

хотин-қизлар ва эркакларни бутун умри давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, уларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш;

одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш, уларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ ҳамда оилавий ажралишларнинг олдини олиш;

гендер тенглик тамойилларини илгари суришда, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини тенг амалга оширишда бюджетни режалаштириш, гендер масалаларини бюджет жараёнларига интеграциялаш, гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш;

гендер тенглик, аёллар тадбиркорлиги, хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш миллий мақсадларига эришишда парламент, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш;

гендер тенглик соҳасидаги халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига мос бўлган халқаро шартномаларни ратификация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Гендер стратегиясини амалга оширишнинг 8 та устувор йўналишлари мавжуд⁴:

1. Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

2. Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

3. Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

4. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

5. Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

6. Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

7. Гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш;

8. Гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш.

Умумий маънода гендер стратегиясининг асосий мақсади — ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдан иборат.

⁴ <https://advice.uz/uz/document/2714>

I.

Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги вазифалар



• Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларига хотин-қизлар ва эркакларни тенг асосда жалб қилиш, хотин-қизларни тайинланадиган раҳбарлик лавозимларига тавсия қилишга оид фаолиятини рағбатлантириш;

2. сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларда номзод кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланганлигини мониторинг қилиш;

3. хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш орқали уларга нисбатан жамиятда шаклланган салбий қарашларни ўзгартириш;

4. хотин-қизлар ва эркакларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига тўлиқ риоя этилишини таҳлил қилиб бориш;

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов ҳамда референдумлар ўтказиш бўйича вилоят, туман, шаҳар, округ, участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар вакилларининг тенглигини таъминлаш.

II.

Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги вазифалар



• Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига танловлар асосида тайинлаш механизмларини жорий қилиш орқали хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларидаги улушини босқичма-босқич ошириб бориш;

2. жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ва долзарб аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишда хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш;

3. хотин-қизларнинг халқаро миқёсда давлат ҳамда ўзи фаолият юритаётган давлат органи ва ташкилоти номидан вакил бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш;

4. раҳбарлик лавозимида фаолият юритаётган хотин-қизлар томонидан аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни бевосита ҳудудга чиқиб ҳал қилиш амалиётини кенгайтириш;

5. маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш амалиётини кенгайтириш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ишларда уларнинг фаоллигини ошириш;

6. илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида давлат органлари ва ташкилотларида лавозимда кўтарилиш масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

7. давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига раҳбарлик лавозимларига тавсия этилган хотин-қизларни Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида малакасини ошириш бўйича тизимли тадбирларни белгилаш;

8. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

9. давлат органлари ва ташкилотларида тегишли лавозимларда фаолият юритаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисида маълумотлар юритиш;

10. комплекс гендер ёндашув асосида давлат органлари ҳамда ташкилотларида гендер аудитларни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, унинг тартиб-тамойилларини ишлаб чиқиш.

III.

Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги вазифалар



• Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, хотин-қизлар ва эркакларни бутун умр давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш;

2. хотин-қизларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмаларини, инновацион ғояларини, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

3. замонавий педагогик технологиялар ва услубларни ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, олий

таълим муассасаларининг ўқув дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендерга оид саводхонлигини юксалтириш;

4. эҳтиёжи юқори бўлган соҳаларда маҳаллий ва хорижий таълим муассасаларига ўқишга ва малака оширишга хотин-қизларни жалб қилиш;

5. мавжуд ва келажакда яратиладиган мактаб дарсликлари, ўқув-услубий материаллар ва бошқа нашрларнинг жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципига мувофиқ гендер экспертизадан ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш;

6. ижтимоий ҳимояга муҳтож, нотинч оилалардан бўлган хотин-қизларни таълим олишига кўмаклашиш ва уларни касбга йўналтириш;

7. мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда эркаклар улуши кам бўлган бошқа соҳаларга аёллар билан тенг равишда эркакларни жалб қилишга доир фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

8. хотин-қизлар ва эркакларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини ошириш, зарур ахборот ва хизматларга эркин ҳамда тенг равишда эга бўлишини таъминлаш, оилани режалаштиришда уларнинг шахсий ҳаётига учинчи шахсларнинг аралашшишига йўл қўймасликни қўллаб-қувватлаш;

9. ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларида хотин-қизлар ва эркакларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш;

10. ижтимоий аҳамиятли ва юқумли касалликларга дучор бўлган беморларни қўллаб-қувватлаш;

11. таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

12. хотин-қизлар ва эркакларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, яқин

қариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олиш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш.

IV.

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги вазифалар



• **Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:**

1. давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган тармоқ гендер стратегиялари ва ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлаш;

2. мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг кредит олишга, ер ва мулкка эгалик қилишга бўлган имкониятларини кенгайтириш;

3. иқтисодиёт ва пул-кредит сиёсатининг турли йўналишларида, шунингдек балиқчилик, ўрмон, қишлоқ, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг раҳбарлик лавозимларида ишлайдиган хотин-қизлар сонини ошириш;

4. хотин-қизлар масалалари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари салоҳиятини кучайтириш, гендер сиёсатини амалга оширишда улар иштирокини қўллаб-қувватлаш;

5. қишлоқ жойларида хотин-қизлар учун муносиб иш ўринларини яратиш, бир турдаги меҳнат учун хотин-қизлар ва эркакларнинг меҳнатига тенг ҳақ тўлаш, ишсиз хотин-қизларни ўзини ўзи банд қилиш орқали бандлигини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўриш;

6. камбағал ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни, айниқса, чегара (ёки анклав), чекка ва бориш қийин бўлган олис (тоғли, чўлли) ҳудудлардаги хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш;

7. ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга хотин-қизлар ва эркаклар учун меҳнат бозорида муносиб иш ўринларининг ҳамда кафолатланган меҳнат шароитларининг яратилишини қўллаб-қувватлаш;

8. ўзини ўзи банд қилган хотин-қизлар ва эркакларни қўллаб-қувватлаш, бундай шахслар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишга бўлган қизиқишини рағбатлантириш;

9. хотин-қизлар учун меҳнат фаолиятини, жамият ҳаётидаги иштирокини оилавий мажбуриятлар билан бирга олиб бориш, шу жумладан меҳнат қилиш имкониятини берадиган, болаларни парваришлаш муассасалари тармоғини ташкил этиш ва кенгайтириш орқали шароитлар яратиш;

10. одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида стратегик мақсадларга асосланган миллий ҳаракатлар дастурларининг ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлаш;

11. гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат миграцияси, одам савдосидан жабр кўрган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларни иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий реабилитациясига кўмаклашиш;

12. меҳнат мигрантларининг ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги хабардорлик даражасини ошириш, чет элда ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизматларини ташкил қилиш;

13. миллий ва хорижий мамлакатларнинг махсус ваколатли давлат органлари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш орқали чет элдаги меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларига яшаш ва меҳнат қилиш учун муносиб шароитларни яратиш, шу жумладан уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

14. жинслар бўйича меҳнат миграцияси ва одам савдоси бўйича идоралараро статистиканинг шакллантирилишини қўллаб-қувватлаш;

15. ташқи ва ички миграция, унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига таъсирини комплекс таҳлил қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

16. гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда иқлим ўзгариши таъсирининг олдини олиш бўйича миллий стратегиялар ва дастурларнинг қабул қилинишини қўллаб-қувватлаш;

17. қишлоқ хўжалиги секторида банд бўлган хотин-қизлар ва эркакларнинг малакасини ошириш дастурларини қўллаб-қувватлаш, экологик жиҳатдан хавфсиз замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.

V.

Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги вазифалар



• **Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:**

1. тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат ҳисобидан молиялаштириш;

2. тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хавфсизлигини, жисмоний ва руҳий реабилитациясини ҳамда мослашувини таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш;

3. хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда улар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулкчилик шаклларида қатъи

назар барча идора ва ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказиш;

4. хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш;

5. тазйиқ ва зўравонлик ҳолати қайд этилган оилалар, иш жойлари, жазони ижро этиш муассасалари ва бошқа объектларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек тазйиқ ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки уни содир этган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларни аниқлаш, уларга профилактик таъсир кўрсатиш ҳамда хулқ-атворини ўзгартириш тизимини ва чораларини такомиллаштириш;

6. мамлакатларда тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш чораларини кўриб бориш;

7. жамиятда тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаб ҳамда шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш, бу борада жамоатчилик назоратини олиб бориш, шунингдек илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

8. хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир мурасасизлик муҳитини яратиш, гендер стереотипларни бартараф этиш бўйича оммавий ахборот воситалари иштирокида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш.

VI.

Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги вазифалар



• Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймаслик бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш;

2. эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ, оилавий ажралишларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

3. асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар, ижобий урф-одатлар ва анъаналар асосида оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш;

4. оилавий муносабатларда хотин-қизлар ва эркакларнинг ўрни ҳақида жамиятда шаклланган салбий қарашларни ўзгартириш, бу борада оммавий ахборот воситалари иштирокида тарғибот-ташвиқот ишларини қўллаб-қувватлаш;

5. илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантиришда хотин-қизлар билан бир қаторда эркакларнинг масъулияти ҳамда ролини ошириш;

6. оилавий ҳаётга оид муаммолар, психологик-педагогик, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан хотин-қизлар ва эркаклар учун маслаҳатлар бериш тизимини янада такомиллаштириш;

7. оилаларни ёшларнинг ахлоқий негизларини бузишга олиб келадиган, оилавий қадриятларни инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган, шунингдек ота-онасига ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан ҳурматсизлик муносабатини шакллантирадиган, жинслардан бирининг устунлиги ғоясига асосланган нотўғри тасаввурлардан ҳимоя қилиш;

8. хотин-қизлар ва эркакларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари тўғрисида ахборот-маърифий фаолият самарадорлигини ошириш.

VII.

Гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш соҳасини ривожлантириш борасидаги вазифалар



• Гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш соҳасини ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. очик ва шаффоф бюджет сиёсатини амалга ошириш орқали хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизликни камайтириш, хотин-қизлар ва эркакларга манзилли давлат хизматлари кўрсатиш, уларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш;

2. хотин-қизлар ва эркакларга мўлжалланган ресурслар ҳамда хизматларни тақсимлаш бўйича олдиндан аниқланган мақсадларга кўра давлат маблағларидан самаралироқ фойдаланишни рағбатлантириш;

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва маҳаллий бюджет лойиҳаларини, ишлаб чиқиш жараёнида гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда уларни гендер экспертизасидан ўтказиш, «Гендерга

йўналтирилган бюджетлаштириш»ни режалаштириш ҳамда уни бюджетлаштириш жараёнларига босқичма-босқич жорий этиш;

4. Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан гендер тенгликка эришишни ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида маблағлар ажратилишини таҳлил қилиб бориш;

5. давлат дастурлари, тармоқ дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини молиялаштиришда гендер жиҳатларни ҳисобга олиш;

6. илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар иқтисодиётига гендер бюджетлаштиришни жорий қилишга оид индикаторларни, шунингдек давлат хизматчилари учун гендер бюджетлаштириш бўйича ўқув-услубий қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўқув дастурларини ишлаб чиқишда гендер бюджетлаштириш масалаларини ҳисобга олиш;

8. бюджет тизимини режалаштириш ишларига гендер ёндашувларни жорий этиш мақсадида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда бюджетлар, бюджет жараёнларининг гендер таҳлилинини ўтказиш;

9. вазирлик ва идораларнинг гендер нуқтаи назаридан режалаштириш ҳамда бюджетлаштириш бўйича салоҳиятини ошириш, бюджет масалаларига доир барча норматив-ҳуқуқий ва бошқа турдаги ҳужжатлар лойиҳаларини мажбурий гендер экспертизасидан ўтказиш амалиётини жорий этиш;

10. оилавий бюджет маблағларидан фойдаланишда хотин-қизлар ҳамда эркакларнинг тенглиги, жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги хизматлардан (таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданий ҳордиқ ва бошқалар) тенг фойдаланиш юзасидан аҳолининг иқтисодий билими, ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш.

VIII.

Гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш борасидаги вазифалар



• **Гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:**

1. республика ва ҳудудлар кесимида гендерга оид вазиятни таҳлил қилиш ҳамда унинг мониторингини юритиш мақсадида хотин-қизлар ва эркакларнинг норасмий меҳнат бозори секторидаги, шунингдек ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштироқи, уларнинг давлат томонидан кафолатланган имкониятлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан статистик маълумотларни тизимли юритиш;

2. жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил ва эълон қилишга оид чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш;

3. вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларида жинслар бўйича статистик кўрсаткичлар юритилишини ташкил этиш, мазкур кўрсаткичларни мувофиқлаштирган ҳолда юритилишини таъминлаш;

4. халқаро тажриба ва стандартларга мувофиқ миллий гендер кўрсаткичларни такомиллаштириб бориш;

5. гендер масалаларига оид халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотларни миллий гендер статистикаси билан доимий таъминлаб боришни йўлга қўйиш;

6. сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, аграр ва экология соҳаларида гендер статистикасига оид услубий қўлланмаларни тайёрлаш;

7. жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирувчи статистик ҳисоботларни

тайёрлаш, ижтимоий сўровлар ва тадқиқотларни ўтказиш ҳамда эълон қилиб бориш.

Сўнги йилларда мамлакатимизда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан,

1) Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” қонуни⁵;

2) Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни⁶;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2030 йилга қадар ўзбекистон республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида” қарори⁷;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори⁸;

5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори⁹;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли кўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони¹⁰ ва х.к.

Шунингдек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон тарихида илк маротаба парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, парламентдаги хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сон. 03.09.2019 йил.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-561-сон. 03.09.2019 йил.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, 28.05.2021 йилдаги СҚ-297-IV-сон.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 04.01.2020 йил. 3-сон

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 06.10.2021 йил. 625-сон

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.03.2022 йил. ПФ-87-сон

Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” қонунида¹¹ хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш кафолатлари сифатида, давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлиликини кафолатлаши; давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлаши, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриши белгиланган(6-модда). Бундан ташқари давлат органлари ўз ваколатлари доирасида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан кадрларнинг касбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўради ҳамда бунга кўмаклашади(13-модда). Қонун талабларига кўра, давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс белгиланади. Ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади.

Хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари ҳам иштирок этиши мумкин. Бунда улар жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситилган шахсларнинг ҳуқуқларини давлат органларида

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йил. ЎРҚ-562-сон. 03.09.2019 йил.

ва судда ҳимоя қилишга кўмаклашади(15-модда). Давлат хизматига қабул қилиш чоғида ва уни ўташ даврида жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга йўл қўйилмайди. Бироқ, хотин-қизлар ва эркакларни давлат хизматига қабул қилишдаги тенглик малакага ва касбий тайёргарликка мувофиқ таъминланади. Давлат хизматида хизматчиларнинг лавозим тоифаларини ҳисобга олган ҳолда бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни қўллашга рухсат берилади. Квота вақтинчалик чора сифатида жорий этилади ҳамда у давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар вакиллигининг мутаносиблигига эришилишига қараб бекор қилиниши мумкин. Давлат органлари раҳбарлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигига риоя этилиши зарур. Давлат органларининг раҳбарлари ва тегишли мансабдор шахслар хотин-қизлар ва эркакларни давлат хизматига қабул қилишда тенг ҳуқуқлилиқни уларнинг қобилияти ва касбий тайёргарлигига мувофиқ таъминлаши шарт(16-модда). Давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак. Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига танлов комиссияларига нафақат танловда иштирок этаётган шахсларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотларни, балки давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади(17-модда).

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” қонунида¹² жинс бўйича камситиш ҳисобланмайдиган ҳолатлардан бири сифатида қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш кўрсатилган(5-модда). Бу борада жинойт қонунчилиги бўйича ҳам аёлларга бир қатор

¹² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сон. 03.09.2019 йил.

енгилликлар белгилаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра¹³, **узоқ муддатга** озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас(50-модда). Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси [Махсус қисмининг](#) тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас(50-модда).

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек [қонунчиликка](#) мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди(50-модда).

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас(51-модда). Жиноят қонунчилигига кўра жиноятни енгиллаштирувчи ҳолатлар санаб ўтилган ва у ерда аёлнинг ҳомиладор бўлиши жиноятни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрстатиб ўтилган(55-модда). Бунга истисно тариқасида фақат енгиллаштирувчи ҳолат Жиноят кодекси [Махсус қисмининг](#) моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайдиган ҳолатлар бундан мустасно. Аёлларга нисбатан шартли ҳукм ҳам қўлланилиши мумкин(72-модда).

Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Умумий қисм. 01.04.1995 йил.

хизматчи аёллар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар. Мажбурий жамоат ишларига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етган бўлсалар, шунингдек аёллар бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқсалар, жазони ўташдан озод қилинадилар(75-модда).

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида¹⁴ ишланмаган кунлар учун иш ҳақи тўланиши назарда тутилган бўлиб, бундай имтиёзни баъзи шахсларга берилиши кўзда тутилган ва ўша имтиёзлари кўрсатилганлар орасида ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътил учун тўлов берилиши назарда тутилган(374-модда). Қуйидаги солиқ тўловчилар солиқ солишдан қисман (даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар, ушбу қисмнинг 3-бандида кўрсатилган шахслар учун эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод этилади: бу солиқ тўловчилар қаторига бева аёллар ҳам киритилган. Қонунга кўра, икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ҳамда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 83-сон қарорининг 1-иловасида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар белгиланган. Унда гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш(5-мақсад) мақсад қилиниб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама иштирок

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). 01.01.2020 йил.

этишларини ҳамда қарор қабул қилишда етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни таъминлаш(5.5-вазифа) шунингдек, гендер тенглик тамойилларини бошқарувнинг турли босқичларида давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига тўла сингдириш(5.с-вазифа) вазифалари қўйилган.

АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМИ



Гендер тенглик масаласида аёллар ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи халқаро марказ сифатида Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитаси фаолият юритади. Ушбу қўмита Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг амалга оширилишини назорат этиб бориш мақсадида таъсис этилган. Қўмита 23 экспертдан ташкил топади. Улар юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари соҳасида билим ва тажрибаси билан ажралиб турадиган ва номзоди Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан кўрсатиладиган шахслардан таркиб топган рўйхатдаги номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади¹.

Қатнашчи давлатлар томонидан тақдим этилган маърузалар ва бошқа ҳар қандай ахборотларни Қўмита ўз сессияларида ўрганиб боради. Қўмита ана шу маърузаларни кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда таклифлар ва тавсиялар тайёрлайди. У умумий тавсиялар чиқариши ҳам мумкин. Бу тавсиялардаги тадбирларни қатнашчи давлатлар Конвенция бўйича зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш мақсадида кўпинча ўз дастурларига киритадилар.

Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Комиссия Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан 1946 йилда таъсис этилган. Комиссиянинг вазифалари доирасига хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, фуқаровий, ижтимоий соҳалар ва таълим соҳасидаги ҳуқуқларини рағбатлантириш тўғрисида Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга тавсиялар ва маърузалар тайёрлаш, шунингдек эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципини амалга

¹ Қаранг: Дискриминация в отношении женщин: Конвенция и комитет. Женева, 1995.

ошириш мақсадида хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим муаммолар бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш тўғрисида тавсиялар ва таклифлар тайёрлаш вазифалари киради. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Комиссияга хотин-қизларнинг аҳволи бўйича умумжаҳон конференциясида 1985 йилда қабул қилинган хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш соҳасидаги истиқболга мўлжалланган Найроби стратегияси амалга оширилишини назорат қилиш, шу йўналишдаги ишларнинг аҳволига баҳо бериб таҳлил қилиб бориш вазифаси топширилди. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия хотин-қизларга нисбатан камситишлар тўғрисида алоҳида шахслардан ҳам, бир гуруҳ шахслардан ҳам олинган хабарларни кўриб чиқиши мумкин. Якка тартибдаги шикоятлар бўйича чоралар кўрилмайди. Бунинг ўрнига мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун сиёсий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида хотин-қизларни камситиш соҳасидаги тамойилларни аниқлашга қаратилган таомилдан фойдаланиш билан чекланадилар.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактга кўра, ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда кўриб чиқилган ҳамма иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишда эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқ бериш мажбуриятини оладилар(3-модда)¹⁵.

¹⁵ 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк

4. АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” қонуни.
3. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакти.
4. Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси

Сайлов қонунчилиги бўйича барча шахслар бир ҳил ҳуқуқларга эга ва улар ўзларининг фаолликларини турли сайловлар жараёнида овоз бериш орқали амалга ошириши белгилаб берилган. Шунингдек, ушбу кодексда аёлларга нисбатан белгиланган баъзи имтиёзларни ҳам учратиш мумкин. **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов** кодексига кўра¹⁶, депутатликка кўрсатилётган номзодларнинг сони ҳар бир партиядан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг 30 фоизидан кам бўлмаслиги кераклиги айтиб ўтилган(70-модда). Аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши керак(91-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг Бирлашган миллатлар ташкилоти бош ассамблеясининг 2022 йил 14 декабрдаги «барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида»ги резолюциясини амалга ошириш чоралари ҳақида 29.12.2022 йилдаги 2816-IV-сон Қўшма қарорига ИЛОВА билан тасдиқланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2022 йил 14 декабрдаги «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида»ги резолюциясида белгиланган вазифаларни

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. 26.06.2019 йил.

2023-2024 йилларда амалга ошириш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»да бир қатор бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди. Унга кўра,

➤ Қонун ҳужжатларига сайлов, референдум ва қонун ижодкорлиги жараёнларида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

➤ Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш.

➤ «Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли» мавзусидаги анъанавий форумни ўтказиш.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида қонун

Ушбу қонунга кўра, Хотин-қизлар ва эркаклар ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эга. Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади(18-модда). Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов ҳамда референдумлар ўтказиш бўйича вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади(19-модда)¹⁷.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт

1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк

Ушбу Пакт қондасига кўра, Пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёллар учун ушбу Пактда назарда тутилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланилишини таъминлаш мажбуриятини оладилар(3-модда).

Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудида турган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг ушбу Пактда

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сон. 03.09.2019 йил.

эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади(2-модда).

Ҳар бир фуқаро 2-моддада кўрсатиб ўтилган ҳеч бир камситишсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини юритишда иштирок этиш;

б) ялпи тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин хоҳиш-иродасини таъминлайдиган чинакам даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш;

с) ўз мамлакатада умумий тенглик шартларида давлат хизматига кириш (25-модда).

Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида конвенция

1952 йил 20 декабрь, Нью-Йорк

Конвенцияга асосан, аҳдлашувчи томонлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик тамойилини амалга оширишни истаган ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ аёллар ва эркакларнинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишдаги мақомини тенглаштиришни истаган ҳолда,

Шу мақсадда Конвенция тузишга қарор қилиб,

Қуйидагиларга келишиб олдилар:

1-модда

Аёллар барча сайловларда, ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг шароитларда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2-модда

Аёллар миллий қонунчиликда белгиланган тартибда, ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг шароитларда сайланиш ҳуқуқига эга.

3-модда

Аёллар эркаклар билан тенг шароитларда, ҳеч қандай камситишларсиз, миллий қонунчиликда белгиланган тартибда барча давлат ва жамоат хизмати лавозимларини эгаллаш ва уларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

4-модда

1. Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай аъзолари, шунингдек Бош Ассамблеядан таклифнома олган бошқа давлатлар томонидан имзоланиши учун очикдир.

2. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши ва ратификация ҳужжатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилиши керак.

5-модда

1. Ушбу Конвенция IV модданинг [1-бандида](#) кўрсатилган барча давлатларнинг қўшилиши учун очикдир.

2. Конвенцияга қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги декларацияни топшириш орқали амалга оширилади.

6-модда

1. Ушбу Конвенция олтинчи ратификация ҳужжати ёки қўшилиш декларацияси топширилишининг тўқсонинчи кунидан кучга киради.

2. Ушбу Конвенциянинг ратификация ҳужжати ёки қўшилиш декларацияси уни ратификация қилувчи ёки унга қўшилувчи ҳар бир давлат учун олтинчи ратификация ҳужжатини ёки қўшилиш декларациясини топширгандан кейинги тўқсонинчи кун кучга киради.

7-модда

Давлат имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу Конвенциянинг моддасига қўшимча шарт киритган тақдирда, Бош котиб ушбу қўшимча шарт матнини ушбу Конвенциянинг иштирокчиси бўлган ёки иштирок этиши мумкин бўлган барча давлатларга етказди. Ушбу қўшимча шартга қарши бўлган ҳар қандай

давлат, ушбу хабар юборилган кундан бошлаб тўксон кун ичида (ёки у Конвенция иштирокчиси бўлган кундан бошлаб) Бош котибга буни қабул қилмаслиги тўғрисида хабар бериши мумкин. Бундай ҳолатда Конвенция ушбу давлат ва қўшимча шарт киритган давлат ўртасида кучга кирмайди.

8-модда

1. Ҳар қандай давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ёзма равишда хабар бериш орқали ушбу Конвенцияни бекор қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб ушбу билдиришномани олган кундан бир йил ўтгандан кейин кучга киради.

2. Ушбу Конвенция иштирокчилари сони олтидан кам бўлиб қолган тақдирда денонсация кучга кирган кундан тўхтайдди, ўз кучини йўқотади.

9-модда

Ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш бўйича ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ Аҳдлашувчи давлатлар ўртасида келиб чиқадиган, музокаралар йўли билан ҳал қилинмайдиган ҳар қандай низо, ушбу низо томонларидан бирининг илтимосига биноан, агар улар ярашувнинг бошқа бирор тартиби тўғрисида келишмаса, Халқаро суд томонидан ҳал қилинади.

10-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзоларини ва ушбу Конвенциянинг IV моддаси 1-бандида кўрсатилган аъзо бўлмаган давлатларни қуйидагилардан хабардор қилиши лозим:

а) IV моддага мувофиқ олинган имзолар ва ратификация ҳужжатлари;

б) V моддага мувофиқ қабул қилинган қўшилиш тўғрисидаги декларациялар;

с) VI моддага мувофиқ ушбу Конвенция кучга кирадиган кун;

д) VII моддага мувофиқ олинган мулоқотлар ва билдиришномалар;

э) VIII модданинг 1-бандига мувофиқ олинган денонсация тўғрисида билдиришномалар;

ф) VIII модданинг 2-бандига мувофиқ Конвенциянинг ўз кучини йўқотиши.

11-модда

1. Хитой, инглиз, француз, рус ва испан тилидаги матнлари бир хил кучга эга бўлган ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивида сақланади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби тасдиқланган нусхаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзоларига ва IV модданинг 1-бандида назарда тутилган ташкилотга аъзо бўлмаган давлатларга юбориши лозим.

5. ЭРКИН НИКОҲ ҚУРИШДА АЁЛЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ ВА УНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Аёллар эркин никоҳ қуришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида никоҳ никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши белгилаб қўйилган(76-модда)¹⁸. Конституцияда белгиланган никоҳнинг ихтиёрий розилик асосида қурилишига оид ушбу норма ва уни бузганлик учун жавобгарлик масалалари қонун ва қонуности ҳужжатларида ўз аскини топган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 2-моддаси оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласига бағишланган бўлиб, унда оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги тамойиллари асосида амалга оширилиши белгиланган¹⁹.

Бундан ташқари, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларига бағишланган 24-моддаси ҳам хотин-қизлар ва эркаклар никоҳ тузишининг ихтиёрийлигига ҳамда мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслигига асосланиши белгиланган²⁰.

Аёллар ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ бир қатор халқаро ҳужжатлар ҳам қабул қилинган бўлиб, унда эркин никоҳ қуришда

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 01.09.1998. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 2 сентябрь, ЎРК-562-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>

аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги масалалари ҳам ўз аксини топган.

Жумладан, 1979 йил 18 декабрда “Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида” Нью-Йорк Конвенцияси қабул қилинган²¹. Ушбу Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган бўлиб, мамлакатимизда 1995 йил 18 августдан кучга кирган. Конвенциянинг 16-моддаси биринчи қисмида “иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли ҳамма масалаларда камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўрадилар” деб, белгиланган. Шунингдек, ушбу қисимда иштирокчи давлатлар томонидан эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида таъминланадиган ҳуқуқлар қаторида никоҳдан ўтишда бир хил ҳуқуқлар ҳамда турмуш ўртоғини эркин танлаш ва никоҳдан фақат ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан ўтишда тенг ҳуқуқлар кўрсатилган²².

Бундан ташқари, Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш тўғрисида декларацияда ҳам хотин-қизлар эркин равишда умр йўлдоши танлаш ва ўзининг эркин ҳамда тўлиқ розилиги билан никоҳ қуриш учун эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши кераклиги, жинсий етукликка эришгунча болалар ўртасида никоҳ ва қизларни унаштириш ман этилиши ҳамда никоҳни фуқаролик ҳолатлари ҳужжатларида мажбурий қайд этиш мақсадида энг кичик ёш чегарасини белгилаш учун самарали, шу жумладан қонуний чоралар кўрилиши кераклиги белгиланган²³.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ҳам никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги белгиланган бўлиб, унга кўра, никоҳ тузиш ихтиёрийдир.Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини

²¹ Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Конвенция. 1979 йил 18 декабрь, Нью-Йорк.

²² Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Конвенция. 16-модда. 1979 йил 18 декабрь, Нью-Йорк.

²³ Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш тўғрисида декларация. 6-модда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1967 йил 7 ноябрда 2263(XXII) рақамли резолюцияси билан қабул қилинган.

эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади(14-модда)²⁴.

Халқаро конвенция ва халқаро ҳужжатларда белгиланган инсон ҳуқуқларига оид нормаларнинг бузилиши натижасида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини ҳар бир давлат ўз ички қонунчилиги билан белгилаб олади.

Ушбу ўринда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига кўра, аёллар никоҳ қуриш билан боғлиқ ҳуқуқларининг бузилишига нисбатан қуйидагича жазо чоралари белгиланганлигини кўриш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 125¹-моддаси (Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш):

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

- базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади²⁵.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 136-модда (Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш):

Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 01.09.1998 йил. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 22.09.1994. 125¹-моддасида. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш. 3-қисм. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>

йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади²⁶.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 28-моддасига (жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш фактлари устидан шикоят қилиш) кўра:

❖ агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмайди.

❖ хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматларга ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда, уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади”²⁷.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 22.09.1994. 136-моддасида. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўскинлик қилиш. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 2 сентябрь, ЎРК-562-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>

6. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТУРЛИ ЗЎРАВОНЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ

Аёлларга нисбатан ўтказилган ҳар қандай зўравонлик – ҳар қандай жинсий белгига асосланган тазйиқ, аёл саломатлигига жисмоний, жинсий ёки руҳий путур етказадиган, ёки унга азоб-уқубат, изтироблар чекишга олиб келадиган, шунингдек шахсни ёки жамоа эркинлигидан маҳрум қилинган ёки маҳкум этилган ҳаракатларини содир этилиши тушунилади. Демак, аёлларга етказиладиган зўравонлик қуйида келтирилган ходисаларга мувофиқ келади, аммо улар билан чекланиб қолмайди:

а) оилада ўрин тутадиган жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонликлар, жумладан калтаклаш, аёлларга зиён келтирадиган турли ҳил операциялар ва бошқа турдаги ҳаёт амалиётида кузатиладиган анъанавий ходисалар, шунингдек никоҳдан ташқари бўлган зўравонлик ва аёлларни номус-нафсониятига зўравонлик қилиш билан боғлиқ бўлган тазйиқлар;

в) жамиятда алоҳида ўрин тутган жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонлик, жумладан зўрлаб номусга тегиш, жинсий алоқага мажбурлаш, ва иш жойларида, ўқув юртларида ва х.к жойларда аёлларга нисбатан кузатиладиган товламачилик, қўрқитишлар, уларни камситиш, аёлларни фохишалик қилиш учун сотиш ҳамда фохишабозликка мажбур қилиш;

с) аёлларга нисбатан қўлланилган жисмоний, жинсий ва руҳий зўрликлар қаерда содир этилаётганидан қатъий назар, давлат тарафиданми ёки давлатнинг лаёқатсизлигиданми барибир аёлларни камситилишига киради²⁸. (IV Аёллар ҳолати буйича Жаҳон Конференцияси Ҳаракатлар дастури, 113-банди)

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик ходисаларининг ҳар қандай турларига барҳам бериш, аёлларнинг қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқ-манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш буйича бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда.

2021 йилнинг 12 оyi мобайнида (январь-декабрь ойлари) хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ ўтказиш буйича

²⁸ IV Аёллар ҳолати буйича Жаҳон Конференцияси Ҳаракатлар дастури, 113-банди.

республикаимиз миқёсида ички ишлар идораларига қилинган мурожаатлар сони жами 39 343 тани ташкил этган. Ички ишлар органлари тизимидаги идораларнинг “1002 – махсус телефони” га эса жами 4 969 та қўнғироқ бўлган.

Жами мурожаатлар ичида:


- жисмоний зўравонлик – 13 658 та;
- жинсий зўравонлик – 106 та;
- иқтисодий зўравонлик – 234 та;
- руҳий зўравонлик – 18 777 та;
- тазйиқ ва таҳдид ҳолатлари – 7 174 тани ташкил этган.



Зўравонлик ҳодисаларининг 34 330 таси оилада, 3 557 таси кўчада, 917 таси жамоат жойида, 67 таси таълим муассасасида, 427 таси иш жойида содир этилган.

Шу билан бирга, ўтган бир йил давомида энг кўп мурожаатлар Фарғона (4 934 та), Қашқадарё (4 196 та) ва Тошкент (3 823 та) вилоятларида, энг кам мурожаатлар эса – Сирдарё (1 919 та), Жиззах (2 071 та) ва Навоий (2 162 та) вилоятларида қайд этилган.

**Республика бўйича "Ҳимоя ордери"ларининг берилиши
хақида маълумот (2021 йил январь - декабрь ойлари)**



2021 йил январь-декабрь ойларида республика бўйича зўравонлик ва таҳдидларга учраган 39 343 нафар хотин-қизга Ҳимоя ордери расмийлаштириб берилган. Уларнинг 378 нафарини вояга етмаганлар,

9 861 нафарини 18-30 ёш оралиғида бўлган шахслар, қолган қисмини эса (29 104 нафар) – 30 ёшдан ошганлар ташкил этади.

Ушбу Ҳимоя ордерларининг:

26 667 та ҳолатда Ҳимоя ордери хотинга эридан ҳимоя қилиш учун,

1 559 та ҳолатда қайнонадан ҳимоя қилиниш учун келинга,

1 128 та ҳолатда қайнонага келинидан,

9 989 та ҳолатда эса бошқа шахслардан ҳимояланиш учун берилган.

Бу давр мобайнида берилган 623 та Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган. Шу билан бирга, 989 та ҳолатда Ҳимоя ордерлари такрорий берилган, 905 та ҳолатда Ҳимоя ордери берилган шахслар ҳимояланишдан бош тортишган.

Ички ишлар вазирлигининг статистик маълумотларига кўра, ўтган 2021 йил давомида 20 769 та оила яраштирилиб, 15 142 та

оиладаги низо бартараф этилган, 921 та ҳолатда эса оилалар ажрашиб кетишган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида зўравонликка оид бир қатор тушунчалар келтириб ўтилган.

Жумладан,

жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли;

зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);

иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан

таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

руҳий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

тазйиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;

тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган

ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Қонунга кўра, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;

содир этилган тазйиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади (4-модда).

Шунингдек, қонунда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

❖ хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

❖ жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир мурасасизлик муҳитини яратиш;

❖ хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

❖ жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

❖ хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

❖ хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

❖ тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлашдан иборат(5-модда).

Қонунда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги субъектлар ва уларнинг ваколатлари белгилаб берилган.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги субъектлар:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- 2) Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- 3) Ички ишлар органлари;
- 4) Меҳнат органлари;
- 5) Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари;
- 6) Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- 7) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси;
- 8) Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида субъектлар ваколатлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва стратегияларни тасдиқлайди;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хавфсизлигини, жисмоний ва руҳий реабилитациясини ҳамда мослашувини таъминлаш бўйича тузилмаларни ташкил этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштиради **(6-модда)**.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

хотин-қизларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади**(7-модда)**.

Ички ишлар органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги муурожаатларни кўриб чиқади;

тазйиқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳлантириш беради;

ҳимоя ордерини беради;

зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади(8-модда).

Меҳнат органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан иш жойларидаги тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулк шаклларида қатъи назар ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказиши;

иш қидираётган ва оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммоларга ва зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтиришга кўмаклашиш чораларини кўради;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади(9-модда).

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни мажбурий меҳнатга ва ғайриижтимоий хулқ-атворга жалб қилиш ҳоллари аниқланганлигига доир фактлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилади;

таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахсларни аниқлайди ҳамда уларнинг хулқ-атворини тузатиш, шунингдек тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади(10-модда).

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига, шу жумладан аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига келтирилган тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни бепул даволаш чора-тадбирларини амалга оширади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда

уларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хотин-қизларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф солувчи фактлар ва аниқланган сабаблар тўғрисида хабардор қилади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади(11-модда).

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш бўйича тадбирларда иштирок этади ва бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;

зўравонликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд этишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказиши;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан яқка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

низоли вазиятларни профилактика қилишга, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир дастурлар ҳамда услубий тавсияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади(12-модда).

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўради(13-модда).

Ваколатли органлар ва ташкилотлар хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

аниқланган тазйиқ ва зўравонлик фактлари тўғрисида ўзаро бир-бирини хабардор қилиш;

тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига муносабат билдириш чораларини келишиш ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

тазйиқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш ва тажриба алмашиш соҳасидаги чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, қонунчиликни ва уларнинг қўлланилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш(14-модда).

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликнинг сабаблари ҳамда шарт-шароитлари бўлган омилларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва баҳолаш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг статистик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда уларни давлат статистика органларига тақдим этиш;

фуқароларни, айниқса хотин-қизларни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги, шунингдек ҳимоя қилиш кафолатлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш мақсадида ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлашнинг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

тазйиқ ва зўравонлик содир этиш хавфи бўлган гуруҳларга мансуб шахсларга ёки уларни содир этган шахсларга нисбатан олдини олиш чораларини амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга ва уларни ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш;

айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш (15-модда).

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганга кўрсатиладиган ёрдам турлари ва хизматлар тўғрисидаги ахборот билан таништиради. Жазони ижро этиш муассасалари тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганга унга нисбатан зўравонлик содир этган шахс жазони ижро этиш жойидан озод этилганлиги, озодликдан маҳрум қилиш жойидан ташқарига қисқа муддатга чиқарилганлиги ёки қочиб кетганлиги ҳақида зудлик билан хабар беради(17-модда).

Зўравонлик факти мавжуд бўлган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг бошпана бериш тўғрисидаги талаби бўйича тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг махсус марказларга жойлаштирилишини таъминлайди. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини махсус марказга жойлаштириш унинг хоҳишига кўра ўттиз кунгача бўлган муддатга амалга оширилади. Зарурат бўлган тақдирда бу муддат махсус марказнинг уставида белгиланган тартибда узайтирилади. Махсус марказга жойлаштириш муддати тугагач, агар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига нисбатан хавф мавжуд бўлса, махсус марказ маъмурияти бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи сақлаб қолинади. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг махсус марказда бўлиш вақти уни таълим муассасасидан машғулотларни ўтказиб юборганлиги муносабати билан чиқариш учун асос бўлмайди. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар тазйиқ ўтказганликда ва зўравонлик содир этганликда айбдор деб топилган шахсдан ундирилиши мумкин(28-модда).

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чоратадбирларини молиялаштириш тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг

ажратмалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади(31-модда). Шунингдек, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасида ҳам хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматларга ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда, уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланиши қатъий белгилаб қўйилган²⁹.

Юқоридаги қонундан ташқари, 19.05.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди³⁰.

Ушбу қарор асосида зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

✓ таълим ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилиш тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

✓ оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш;

✓ давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, ўз жонига

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сон

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 19.05.2021 йил. ПҚ-5116-сон.

суиқасд қилган хотин-қизларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича фаолиятига яқиндан кўмаклашиш;

✓ «Аёллар дафтари»га киритилган психологик ва ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож хотин-қизларни (тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни «Аёллар дафтари»дан чиқариш чораларини кўриш;

✓ низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларга барҳам бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

✓ тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни ўтказиш;

✓ оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтиришга кўмаклашиш;

✓ долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш;

✓ зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, ушбу мақсадларда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларидан кенг фойдаланиш.

Марказларга қуйидагилар жойлаштирилади:

зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари;

ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар.

Қарорда, Бош прокуратура, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш

вазирлиги томонидан хотин-қизларни турмушга тайёрлаш, уларда фарзанд тарбиясига оид кўникмаларни мукамал шакллантириш, уларни турли тазйиқ, зўравонликдан ҳимоя қилиш, оилаларда суицид ва ажримларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб этиш мақсадида «AZIZ-AYOL.UZ» ягона интерактив миллий платформаси ишлаб чиқилганлиги ҳам қайд этилган. Ушбу платформа доирасида 24 соат узлуксиз ишлайдиган 1146 “ишонч телөфон” рақами йўлга қўйилган бўлиб, хотин-қизларга шошилиш рухий, психотерапевтик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2023 йилда “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сонли қонуни қабул қилинди. Қонунда хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган айрим ҳуқуқбузарликларга жавобгарлик белгиланди³¹. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси янги 41¹, 59²-моддалар билан тўлдирилди. Шунингдек ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам янги 126¹-моддаси (оилавий (маиший) зўравонлик) киритилиб, ушбу муносабатлардаги жиноятларга жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси:

41¹-модда. Шаҳвоний шилқимлик қилиш

Шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда

³¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 11.04.2023 йил. ЎРҚ-829-сон.

ифодаланган, шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта кўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш,

- базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса,

- базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

59²-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни, кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, башарти жиноят аломатлари, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса, —

- базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, —

- базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси:

126¹-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса,

—
базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоиздан ўттиз уч фоизгача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг [тўртинчи қисмида](#) назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) ғаразли ниятларда;
- д) диний таассублар замирида;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан;

ж) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг [97](#), [104](#) ва (ёки) [105-моддаларида](#) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

з) ўта хавфли рецидивист томонидан;

и) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотишга ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқишига ёки унинг функциялари тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатнинг бузилишига ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашувига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг йўқолишига ёки ҳомиланинг тушишига ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг [олтинчи қисмида](#) назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) вояга етмаган шахсга нисбатан;
- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) ғаразли ниятларда;
- д) диний таассублар замирида;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан;

ж) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг [олтинчи қисмида](#) назарда тутилган ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг [97](#) ва (ёки) [104-моддаларида](#) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, —

ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

7. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ

Сўнги йилларда хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқига оид бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Қуйида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқи кафолати борасида хорижий ва миллий тажрибага тўхталиб ўтамиз.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

1919 йилда тузилан ва ҳозирги вақтда БМТ қошида фаолият юритаётган Халқаро Меҳнат Ташкилоти кишиларнинг меҳнат фаолияти ва меҳнат муҳофазаси масалалари билан шуғулланади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқи кафолатларига оид бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Дарҳақиқат, ҳар қандай жамиятда шахснинг камол топишида аёллар муҳим ўрин тутар экан, нафақат меҳнат ҳуқуқи соҳасида, балки барча соҳада аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги кафолати таъминланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилотига 1992 йилдан аъзо бўлиб, бугунги кунгача ушбу Ташкилотнинг бир қатор конвенцияларини ратификация қилган. Жумладан,

1) Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги 29-Конвенция. (1997 йил 30 августда ратификация қилинган).

2) Байрам кунларига ҳақ тўлаш ҳақида Конвенция (С52)-13.07.1992 й;

3) Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 1935 йилги 47-Конвенция. (1995 йил 6 майда ратификация қилинган).

4) Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги 1936 йилги 52-Конвенция. (1995 йил 6 майда ратификация қилинган).

5) Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-Конвенция. (1997 йил 30 августда ратификация қилинган).

6) Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги 100-Конвенция. (1997 йил 30 августда ратификация қилинган).

7) Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги (қайта кўриб чиқилган) 103-Конвенция. (1995 йил 6 майда ратификация қилинган).

8) Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги 105-Конвенция. (1997 йил 30 августда ратификация қилинган).

9) Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги 111-Конвенция. (1997 йил 30 августда ратификация қилинган).

10) Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги 122-Конвенция. (1995 йил 6 майда ратификация қилинган).

11) Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги 135-Конвенция. (1997 йил 30 августда ратификация қилинган).

12) Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги 138-Конвенция. (2008 йил 4 апрелда ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикаси учун 2010 йил 6 мартдан кучга кирган. Меҳнат код: 77-модда. Ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш).

13) Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги 154-Конвенция. (1997 йил 30 августда ратификация қилинган).

14) Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги 182-Конвенция. (2008 йил 8 апрелда ратификация қилинган).

15) Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция. (25.10.2016 ратификация қилинган)

16) Бирлашмалар эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида 87-сонли конвенция (2016 йил 25 октябрда ратификация қилинган)

17) Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 1976 йилги 144-сонли Конвенция. (2019 йил 4 мартда ратификация қилинган)

18) Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли Конвенция (Женева, 1969 йил 25 июнь, 2019 йил 27 августда ратификация қилинган)

19) Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли Конвенция (Женева, 1947 йил 11 июль, 2019 йил 27 августда ратификация қилинган).

20) Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенция (Женева, 2006 йил, 2021 йил 29 май ратификация қилинган).

21. Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида 167-сонли конвенция (Женева, 1988 йил 20 июнь. 2022 йил 7 февраль ратификация қилиш тўғрисида қонун)

22. Ходимларни иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар туфайли юзага келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисида 148-сонли конвенция (1977 йил 20 июнь. Женева. 2023 йил 24 январь ратификация қилиш тўғрисида қонун) ва х.к.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НИЗОМИ



Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар орасидан универсал манбалардан бири сифатида БМТ Низомини келтириш мумкин. Низомда хотин-қизларнинг барча вазифаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги таъкидланган. Хусусан, Низомнинг 8-моддаси мазмунига кўра, БМТ ўзининг асосий ва ёрдамчи органларида эркак билан хотин-қизларнинг истаган вазифада ва тенг шароитларда қатнашиш ҳуқуқини ҳеч ҳам чекламаслиги қатъий белгилаб қўйилганлигини кўриш мумкин.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида конвенция



Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига эришиш йўлида 1979 йил 18 декабрда муҳим қадам қўйилди. Ушбу кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси “Хотин-қизлар

ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияни (18.12.1979 й., Нью-Йорк (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августдан кучга кирган) қабул қилди.

“Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция (кейинги ўринларда *Конвенция*) 30 та моддадан иборат бўлиб, унда барча хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган халқаро-ҳуқуқий шаклдаги тамойиллари ва чоралари аниқлаб берилган. Конвенцияни ратификация қилган давлатларга хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш юзасидан бир қатор мажбуриятлар юклайди.

Конвенция қоидаларининг бажарилишини назорат этиб бориш мақсадида *Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита* таъсис этилган. Қўмита 23 экспертдан ташкил топади. Улар юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари соҳасида билим ва тажрибаси билан ажралиб турадиган ва номзоди Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан кўрсатиладиган шахслардан таркиб топган рўйхатдаги номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади¹.

Конвенция хотин-қизларга нисбатан фақат жинсий белгиси асосида қўлланувчи истисно ва чеклашларнинг ҳар хил кўринишларини жамлаб, аёлларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, барча соҳаларда - сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда, маданиятда, фуқароликда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чақиради. У давлатларни хотин-қизлар камситилишига қарши миллий қонунчилик чораларини ҳамда эркаклар ва аёллар ўртасида амалдаги тенгликни тезлик билан ўрнатишга қаратилган вақтинчалик махсус чораларни қабул қилишга чақиради. Шунингдек, аёлларнинг ҳуқуқлари камситилишини сақлаб қолишга имкон берувчи ижтимоий ва маданий моделларни ўзгартириш чораларини кўришни тавсия қилади. Бошқа чоралар хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва бир хилдаги ўқув дастурларига эга бўлишда

¹ Қаранг: Дискриминация в отношении женщин: Конвенция и комитет. Женева, 1995.

тенгликни таъминлашга, меҳнат ҳақи ва иш билан бандликда аёлларнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳолларни тугатишни ҳамда хотин-қизларнинг турмушга чиққанида ва она бўлган пайтида иш билан таъминлаш кафолатини назарда тутди. Конвенция оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатади. У шунингдек, керакли ижтимоий хизмат кўрсатишни таъминлашга, жумладан ота-оналар оилавий вазифаларини меҳнат фаолияти билан бирга қўшиб олиб бориш ва ижтимоий ҳаётда қатнашиш учун шароит яратувчи болаларни парвариш қилувчи ташкилотларнинг тармоқларини тузишга даъват этади.

Конвенцияга кўра, Жумладан, Иштирокчи давлатлар хотин-қизлар камситилишининг барча шакллари қоралаб, зудлик билан барча тегишли усуллар орқали хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш сиёсатини юргизишга келишадилар ва шу мақсадда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

д) бирон-бир шахс, ташкилот, ёки корхона томонидан хотин-қизлар камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

е) хотин-қизларни камситувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш³².

Хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишини бартараф этиш, айти вақтда эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлар қуйидаги барча тегишли чораларни таъминлаши лозим:

а) барча инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқи;

б) ишга ёллашда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга ишга ёллашда бир хил танлаш мезонларини қўллаш ҳуқуқи;

в) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва иш билан банд этиш кафолатига эга бўлиш, шунингдек, шогирдлик,

³² Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция. 2-модда. 18.12.1979 йил, Нью-Йорк

юқори даражадаги касб бўйича тайёргарлик ва мунтазам суратда малака оширишни ўз ичига олган ҳолда меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитларидан тўлиқ фойдаланиш, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқи;

г) имтиёзлар олишни ҳам ҳисобга олган ҳолда тенг мукофотланиш, бир хил кимматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек, иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиш ҳуқуқи;

д) жумладан нафақага чиқиш, ишсиз қолиш, касаллик, ногиронлик, қариллик ва меҳнат қобилиятини йўқотишдан иборат бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи шунингдек, ҳақи тўланадиган таътил ҳуқуқи;

ж) соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларга эга бўлиш, шунингдек, наслни давом эттириш вазифасини сақлаб қолиш ҳуқуқи;

2. Аёлларнинг турмушга чиқмаганлиги ёки оналиги сабабли камситилишининг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишнинг самарали ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида, иштирокчи давлатлар қўйидагиларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўрадилар:

а) ҳомиладорлик сабабли ишдан бўшатишни ёки ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилга чиқаришни ёхуд оилавий аҳвол туфайли камситишни санкциялар қўлланиш таҳдиди остида ман қилиш;

б) охирги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ҳақи тўланадиган таътиллار ёки таққослама ижтимоий нафақалар, тўланадиган таътиллар жорий этиш;

в) ота-оналар оилавий бурчларининг бажарилишини меҳнат фаолияти ва жамоат ҳаётдаги иштироки билан бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш учун, жумладан, болаларни тарбия қилиш муассасалари тармоғини кенгайтириш йўли билан, қўшимча зарур ижтимоий хизмат кўрсатишни рағбатлантириш;

г) аёллар ҳомиладорлиги даврида уларнинг саломатлиги учун зарарли деб исботланган меҳнат турларида алоҳида ҳимоялашни таъминлаш³³.

Конвенциянинг бошқа моддаларида соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар камситилишига барҳам беришга даъват этилган, шу жумладан, оиланинг катта-кичиклигини режалаштиришда эркак ва аёлларга тенг фуқаролик ҳуқуқларини бериш масалалари ҳам ифодаланган. Бунга кўра, давлатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган барча шартнома ва бошқа хусусий ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга келишмоқдалар.

Конвенцияда қишлоқ жойларда яшовчи аёллар дуч келаётган муаммоларга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар дуч келадиган алоҳида муаммоларни ва уларнинг ўз оилалари иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнашини, шунингдек, уларнинг товарсиз хўжалик тармоқларидаги фаолиятини эътиборга олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчи аёлларга нисбатан мазкур Конвенция қоидаларининг қўлланилишини таъминлаш борасида барча тегишли чораларни кўрадилар. Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш, эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш ва бундай ривожланишдан наф кўриш учун барча тегишли чораларни кўриши ва хотин-қизларга қуйидаги ҳуқуқларни таъминлаши белгиланган.

Жумладан,

а) барча даражаларда ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

б) оилани режалаштириш масалалари бўйича ахборотлар, маслаҳатлар ва хизматларни кўшган ҳолда тегишли тиббий хизмат кўрсатилишига эришиш;

³³ Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция. 11-модда. 18.12.1979 йил, Нью-Йорк

в) ижтимоий суғурта дастурлари қулайликларидан бевосита фойдаланиш;

г) жумладан, хотин-қизларнинг техникавий билим савиясини ошириш мақсадида функционал саводхонликни ҳисобга олган ҳолда барча турдаги расмий ва норасмий таълим ва тайёргарлик олиш, шунингдек, барча турдаги жамоа хизматларидан, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматидан фойдаланиш;

д) мустақил меҳнат фаолияти ёки ишга ёллаш орқали тенг иқтисодий имкониятларни таъминлаш учун ширкатлар ва ўз ўзига ёрдам кўрсатиш гуруҳларини ташкил этиш;

е) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

ж) қишлоқ хўжалик кредитлари ва заёмларига, сотиш тизимига, тегишли технологияларга, ер ва аграр ислоҳотларда, шунингдек ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эришиш;

з) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса, уй-жой шароитларидан, санитария хизматидан, электр ва сув таъминотидан, шунингдек, транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш ³⁴.

Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш тўғрисида декларация



Ушбу декларацияда турмуш қурган ва турмуш қурмаган хотин-қизлар учун ижтимоий-иқтисодий фаолиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқларни таъминлаш учун барча тегишли чоралар кўрилиши кераклиги белгиланган. Хусусан:

а) фуқаролик ҳолати ёки бошқа белгилари бўйича камситишларсиз касбий тайёргарлик, ишлаш, эркин касб ва машғулот танлаш ҳамда ўз касби ва ихтисослиги бўйича такомиллашиб бориш ҳуқуқи;

³⁴ Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида Конвенция. 14-модда. 18.12.1979 йил, Нью-Йорк

b) тенг меҳнат учун эркаклар билан тенг тўлов ва тенг моддий таъминот ҳуқуқи;

c) ҳақ тўланадиган таътил, пенсия таъминоти ва ишсизлик, касаллик, қарилик ҳамда меҳнат қобилиятини йўқотишнинг бошқа кўринишларида моддий таъминот олиш ҳуқуқи;

d) оила учун эркаклар билан тенг ҳуқуқли нафақа олиш ҳуқуқи.

2. Хотин-қизларни никоҳда бўлганлиги ёки ҳомиладорлиги учун камситилишининг олдини олиш ва уларнинг ишлашга бўлган самарали ҳуқуқини таъминлаш мақсадида уларнинг никоҳ қурганлиги ёки ҳомиладорлиги сабабли ишдан бўшатилишининг олдини олиш ва аввалги ишига қайтиши кафолати билан ҳомиладорлиги бўйича ҳақ тўланадиган таътил тақдим этиш ҳамда зарурий ижтимоий хизматлар турини (болаларни боқиш имкониятини ҳам эътиборга олган ҳолда) таъминлаш учун тегишли чоралар кўрилиши керак.

3. Хотин-қизлар организмнинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайян турдаги ишларда уларни ҳимоя қилиш учун қабул қилинган чоралар камситиш, деб ҳисобланмаслиги керак³⁵.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида

халқаро пакт

1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк



Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини, жумладан, қуйидагиларни тан олади:

а) барча меҳнаткашларга камида қуйидагиларни таъминлайдиган ҳақ:

і) тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад, айти пайтда, жумладан, аёлларга эркакларникидан кам бўлмаган меҳнат шароитига кафолат берилиши ҳамда тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўланиши керак(**7-модда**).

³⁵ Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш тўғрисида декларация. 10-модда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1967 йил 7 ноябрда 2263(XXII) рақамли резолюцияси билан қабул қилинган.

МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам барча соҳада аёлларнинг меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқлари кафолатлари таъминланган. Шундай бўлишига қарамасдан, аёллар бандлиги ва меҳнат фаолияти давомидаги ҳуқуқларини ёки уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга оид чора-тадбирлар тизимли равишда амалга ошириб борилади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланди³⁶. Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Конституциянинг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади” деб, 20-моддасида эса, “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади” деб, қатъий белгилаб қўйилди.

2023 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-46-сон қарорига кўра, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” бўйича тегишлича ўқув ва махсус курслар жорий этилиши вазифаси белгиланди³⁷. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида аёллар фаоллигини ошириш мақсадида 07.03.2022 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 87-сонли фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда давлат идораларида ишлаётган раҳбар аёллар

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституция 42-моддаси, 01.05.2023

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида, 07.02.2023 йил. ПҚ-46-сон.

ролини оширишга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланди. Масалан, ушбу вазифалардан бири сифатида Давлат бошқаруви академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ҳар йили камида 100 нафар хотин-қизларни ўқитиш вазифаси белгиланди. Бундан ташқари, 2022/2023 йил ўқув йилидан бошлаб хотин-қизларнинг олий таълим, техникум ва коллежларда сиртки ва кечки таълим йўналишида таълим олувчи хотин-қизларнинг контрактлари суммасини тўлашда фоизсиз 7 йил муддатга таълим кредитлар ажратиш белгиланди. Магистратура босқичида таълим олаётган аёлларнинг контракт суммалари шартсиз давлат томонидан қоплаб берилиши, аёлларнинг билим олиши учун имкониятлар ва имтиёзлар яратиб бериш назарда тутилди³⁸.

2022 йил 28 январда “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони³⁹ қабул қилинди. Ушбу Фармонга 1-Илова билан тасдиқланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 барабар камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш. Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланди. Шунингдек, Фармон ижросини таъминлаш ҳамда ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ижтимоий — ҳуқуқий, психологик, тиббий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 145-сон қарори қабул

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, 07.03.2022 йил. ПФ-87-сон

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. 28.01.2022 йил. ПФ-60-сон.

қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа масъул вазирлик ва идораларга «Аёллар дафтари»ни (*«Аёллар дафтари» — ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси*) юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги вазифаларни устувор равишда амалга ошириш юклатилди. Жумладан,

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш;

томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиши учун кўмаклашиш;

уларни тадбиркорликка жалб қилиш;

моддий ёрдам кўрсатиш;

турар жой ижараси учун компенсация тўлаш;

ижтимоий уйларга жойлаштириш ва уларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашиш;

тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш.

Хотин-қизларни муносиб иш ўринлари билан таъминлашда аввало уларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.03.2022 йилдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-81-сон фармонида⁴⁰ ҳам хотин-қизларнинг жамиятдаги рўлини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ва манфаатларини акс эттириш масалалари юзасидан баъзи чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб қўйилган. Хусусан,

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 01.03.2022 йил. ПФ-81-сон

Республикада оила ва хотин-қизларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг муаммоларига тизимли ечим топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилиши белгилаб берилди. Шунингдек, Фармонда қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

✚ хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш, илмий фаолиятга кенг жалб қилиш;

✚ оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;

✚ хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш;

✚ хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

✚ хотин-қизлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” қонунига кўра, Давлат органлари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида ўз ваколатлари доирасида меҳнат бозорида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини илгари суриш, ишга жойлаштириш учун ўқитиш ҳамда шароитлар яратиш юзасидан хусусий сектор билан ҳамкорликни ривожлантиради(13-модда) ⁴¹.

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сон. 03.09.2019 йил.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси⁴².

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқига оид муносабатларини тартибга солувчи ва меҳнат муҳофазасини кафолатловчу асосий қонуни ҳисобланади. Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар барча учун, жумладан аёллар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар репродуктив саломатлик ва оналикни муҳофаза қилишга қаратилган.

Меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш принципи:

меҳнат ва машғулотлар соҳасида ходимларнинг ҳуқуқларини меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (оилавий вазифаларни бажариш билан банд бўлган шахслар, вояга етмаганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлик билан боғлиқ ҳолда асосланган тарзда фарқлаш, истисно этиш, уларга афзаллик бериш, шунингдек уларни чеклаш камситиш деб ҳисобланмайди(4-модда). Дарҳақиқат, ҳомиладор аёлларнинг муайян меҳнат турлари билан шуғулланишини чеклаш, бу уларни камситиш мақсадида эмас, балки уларнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш мақсадида жорий қилинган. Негаки, онанинг саломатлиги биринчи навбатда соғлом боланинг дунёга келишига хизмат қилади.

Меҳнат қонунчилигига кўра, жамоа келишувларининг мазмуни ва тузилишини тарафлар ўзлари белгилайди. Жамоа келишувларида юқорироқ даражада ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ва бошқалар) учун қўшимча иш ўринлари ташкил этаётган иш берувчиларга бериладиган имтиёзлар ҳақидаги қоидалар назарда тутилиши мумкин(85-модда).

Дастлабки синов: ҳомиладор аёл, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёл ёки уч ёшга тўлмаган болани ёлғиз ўзи тарбиялаётган ота

⁴² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 30.04.2023 йил.

(васий)ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди (129-модда).

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш: қайси тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёл вақтинча енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини истисно этадиган ишга ўтказишга муҳтож бўлса, Иш берувчи ўша тиббий хулоса асосида ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги илтимосини қаноатлантиради(142-модда).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш: Меҳнат шартномаси ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача боласи бўлган ходимлар учун кафолатлар беришни назарда тутадиган талабларга риоя қилмасдан иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади (163-модда).

Бошқа ишга ўтказиш: Ҳомиладор аёлни, шунингдек икки ёшга тўлмаган боласини парваришлаётган ота-онадан бирини (васийни) уларнинг соғлиғи ҳолатига кўра, аввалги ишни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда уларнинг аризаси ва тиббий хулоса асосида вақтинча бошқа ишга ўтказилади(149-модда).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида ҳомиладор аёллар учун кафолатлар:

Меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида ҳомиладор аёллар учун кафолатлар: Ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди, бундан ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси) тугатилган ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг иш фаолияти тугатилган ҳоллар мустасно.

Аёлнинг ҳомиладорлиги даврида муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугаган тақдирда, иш берувчи аёлнинг ёзма аризасига биноан ва ҳомиладорлик ҳолатини тасдиқловчи тиббий маълумотнома тақдим этилган тақдирда, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини ҳомиладорлик тугагунига қадар, унга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган тақдирда эса бундай таътилнинг охирига қадар узайтириши шарт. Меҳнат шартномаси ҳомиладорликнинг охирига қадар узайтирилган аёл, иш берувчининг сўровига биноан,

лекин уч ойда кўпи билан бир марта ҳомиладорлик ҳолатини тасдиқловчи тиббий маълумотнома тақдим этиши шарт. Агар бунда аёл ҳомиладорлик тугаганидан кейин ҳақиқатда ишлашни давом эттирса, иш берувчи ҳомиладорликнинг тугаганлиги фактини билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан бир ҳафта ичида меҳнат шартномасини унинг муддати тугаганлиги сабабли бекор қилишга ҳақли.

Аёл билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати тугаганлиги муносабати билан ушбу шартномани унинг ҳомиладорлиги даврида бекор қилишга, агар меҳнат шартномаси йўқ бўлган ходимнинг мажбуриятларини бажариш вақтига тузилган бўлса ва ҳомиладорлик тугагунига қадар аёлни иш берувчида унинг соғлиғи ҳолати инобатга олинган ҳолда бажара оладиган бошқа ишга аёлнинг ёзма розилиги билан ўтказиш мумкин бўлмаса, йўл қўйилади.

Аёлга туғруққача етмиш календарь кун ҳамда туғруқдан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёхуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда етмиш календарь кун) ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиб, қонунчиликда белгиланган, лекин ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланади.

Ҳомиладор аёл билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда аёлнинг туғруққача етмиш календарь кун ҳамда туғруқдан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёхуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда етмиш календарь кун) учун ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш ҳуқуқи сақланиб қолади (408-модда). Ушбу ўринда халқаро ҳужжатларга мурожаат этадиган бўлсак, хусусан, Европа ижтимоий хартиясида қуйидаги қоида белгиланганлигини кўриш мумкин. Унга кўра, иш берувчи ҳомиладор аёллар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда қуйидаги қоидага амал қилиши лозим. Аёл ҳомиладорлиги тўғрисида иш берувчига хабар берган вақтдан бошлаб ҳомиладорлик вақти тугагунига ва туғгунга қадар бўлган вақт оралиғида иш берувчи ҳомиладор аёлни ишдан бўшатиш тўғрисида хабар бериш ёки огохлантириш ёки ушбу вақт оралиғида ишдан

бўшатиш вақти келиб қолган тақдирда ҳам уни ишдан бўшатиш тўғрисида хабар бериш ёки огохлантириш қонунга зид ҳисобланади(8-модда)⁴³.

Уч ёшгача бўлган боласи бор ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар: Боласи уч ёшга тўлгунига қадар бола парваришlash таътилида бўлган ходим билан меҳнат шартномасини ходимнинг малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига ёки бажараётган ишига лойиқ эмаслиги муносабати билан иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга ходим таътилдан чиққан кундан эътиборан бир йил ичида йўл қўйилмайди(409-модда).

Биринчи иш йили учун ҳар йилги меҳнат таътилини бериш: аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, биринчи иш йилида олти ой ўтгунига қадар — ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ҳар йилги меҳнат таътили берилади(227-модда).

Меҳнат таътилидан чақириб олиш: Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни, ҳомиладор аёлларни ва меҳнат шароитлари ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимларни ҳар йилги меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди(232-модда).

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили: Аёлга туғруққача етмиш календарь кун ҳамда туғруқдан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёхуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда етмиш календарь кун) ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиб, қонунчиликда белгиланган, лекин ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили аёлга жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилиб, туғруққача ҳақиқатда фойдаланилган кунлар сонидан қатъи назар, тўлиқ берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (404-модда).

Меҳнатга ҳақ тўлаш: тенг қийматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг миқдорда ҳақ тўланишини таъминланади (244-модда).

⁴³ <https://www.coe.int/ru/web/compass/european-social-charter>

Кафолатли тўловларни амалга ошириш: ҳомиладор аёл энгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилган давр учун иш берувчи унга кафолатли тўловларни амалга оширади (280-модда).

Ишга қабул қилишни рад этиш таъқиқланиши: Ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ишга қабул қилишни рад этиш ёки меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтириш тақиқланади. Иш берувчи ишга қабул қилишни рад этган тақдирда, рад этиш сабабларининг ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган ёзма асосини ҳомиладор аёл ёки фарзандлари бор шахс талабига кўра уч кун ичида тақдим этиши шарт. Ишга қабул қилишни рад этиш сабабларининг ёзма асосини тақдим этмаганлик ишга қабул қилишни рад этганлик устидан шикоят қилишга монелик қилмайди(392-модда). Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида ҳам ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 148-моддасига кўра, аёлни ҳомиладорлиги ёки шахсни ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш орқали унинг меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш: Аёллар томонидан улар учун йўл қўйиладиган энг кўп нормадан ортиқ бўлган оғир юкларни кўтариш ва ташиш тақиқланади(393-модда).

Ҳомиладор аёлларни энгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш: Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда камайтирилади ёки улар энгилроқ

ишга ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади. Ишлаб чиқариш нормаларини камайтириш, шунингдек вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатлари тиббий хулосага мувофиқ белгиланади.

Ҳомиладор аёлга енгилроқ иш ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунига қадар, у бунинг оқибатида қолдирилган барча иш кунлари учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим(394-модда).

Тунги, иш вақтидан ташқари, дам олиш ҳамда ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларда ишлатиш ва уларни хизмат сафарига юбориш: Ҳомиладор аёллар, ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бири (ота-онасининг ўрнини босувчи шахс) фақат ўз ёзма розилиги билан тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиниши, шунингдек хизмат сафарига юборилиши мумкин. Бунда иш берувчи мазкур ходимларни тунги ишлардан, иш вақтидан ташқари ишлардан, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишлардан ёки хизмат сафаридан воз кечиш борасидаги ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши шарт. Ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш ҳомиладор аёлнинг ҳамда боланинг ҳаётига ва соғлиғига хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади(396-модда).

Тўлиқсиз иш вақти белгилаш: Иш берувчи ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг) ота-онасидан бирининг (ота-она ўрнини босувчи шахсининг), шунингдек оиланинг бетоб аъзосини парваришлашни амалга ошираётган шахсининг илтимосига кўра уларга тиббий хулосага мувофиқ тўлиқсиз иш вақти белгилаши шарт (398-модда).

Йиллик меҳнат таътиллари белгилашдаги имтиёзлар: Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик меҳнат таътили,

уларнинг хоҳишига кўра, тегишинча ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин берилади.

Ҳомиладор аёлларни йиллик меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Болани парваришлаш таътилидан фойдаланаётган ходимга йиллик меҳнат таътили, унинг хоҳишига кўра, бола парваришлаш таътилидан олдин ёхуд ундан кейин берилади.

Ишлайдиган эркакларга хотинининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида ўз хоҳишига кўра йиллик меҳнат таътили:

биринчи иш йили учун — ишлаб берилган вақтдан қатъи назар; кейинги йилларда — таътиллари бериш жадвалидан қатъи назар берилади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган ёлғиз отага, ёлғиз онага (бева эркакларга, бева аёлларга, никоҳдан ажрашганларга, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик меҳнат таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, улар учун қулай бўлган вақтда берилади(400-модда).

Ҳомиладор аёлларга бўш кунлар бериш: Иш берувчи ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида антенатал (туғруққача) парваришлаш (перинатал скрининг ва ташхис, мажбурий тиббий кўриклар ва бошқа мажбурий тиббий муолажалар) учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бериши шарт.

Ҳомиладор аёлларни антенатал (туғруққача) парваришлаш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади(403-модда).

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили: Аёлга туғруққача етмиш календарь кун ҳамда туғруқдан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёхуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда етмиш календарь кун) ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиб, қонунчиликда белгиланган, лекин ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили аёлга жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилиб, туғруқча ҳақиқатда фойдаланилган кунлар сонидан қатъи назар, тўлиқ берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади(404-модда).

Бола парваришlash таътиллари: Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин, аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунига қадар болани парваришlash таътили берилиб, бу давр учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунига қадар уни парваришlash учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча таътил ҳам берилади.

Аёл болани парваришlash таътили вақтида тўлиқсиз иш вақти шартлари асосида ёки иш берувчи билан келишув бўйича уйда ишлаши мумкин. Бунда ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ уларнинг нафақа олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Болани парваришlash таътиллари даврида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътилларнинг кўпи билан олти йили меҳнат стажига қўшилади, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшиб ҳисобланади(405-модда).

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар: Икки ёшга тўлмаган боланинг ота-онасидан бирига (васийсига) дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан ташқари болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда, ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган давомийликда берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ нафар фарзанди бўлган тақдирда, танаффуснинг давомийлиги камида бир соат қилиб белгиланади. Болани овқатлантириш учун танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача иш ҳақи бўйича ҳақ тўланади.

Икки ёшга тўлмаган бола отасининг ёки онасининг (васийсининг) хоҳишига кўра болани овқатлантириш учун

танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун танаффусга қўшиб берилиши ёхуд иш кунининг (сменанинг) тегишинча қисқартирилган ҳолда бошига ёки охирига кўчирилиши, шу жумладан жамланган ҳолда кўчирилиши мумкин.

Болани овқатлантириш учун танаффуслар фақат ота-онадан бири болани парваришlash таътилида бўлмаган ва бундай танаффуслардан фойдаланмаётган тақдирда берилади(407-модда).

Вақтинча масофадан туриб ишлашда устувор ҳуқуққа эга бўлган ходимлар тоифалари: Табиий ёки техноген хусусиятга эга ҳалокатлар, ишлаб чиқаришдаги авариялар, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, шунингдек ёнғинлар, тошқинлар, зилзилалар, эпидемиялар ёки эпизоотиялар рўй берган тақдирда ҳамда аҳолининг ёхуд унинг бир қисмининг ҳаётига ёки нормал яшаш шароитларига таҳдид соладиган бошқа алоҳида ҳолларда иш берувчида тегишли техник ва ташкилий имкониятлар мавжуд бўлганда вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтиш ёки ўтказиш учун устувор ҳуқуқ бериладиган ходимларнинг тоифалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёллар;

ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг ота-оналари, васийлари;

ногиронлиги бўлган шахслар;

ёшга доир пенсионерлар;

ногиронлиги бўлган шахсларни ёки оиланинг ўзгалар парваришига муҳтож бўлган бемор аъзоларини парваришлайётган ходимлар(458-модда).

Вахта усулидаги ишларга жалб қилишни чеклаш: Вахта усулида бажариладиган ишларга қуйидагилар жалб қилиниши мумкин эмас:

ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар;

ҳомиладор аёллар;

уч ёшгача бўлган бола парваришини амалга ошираётган ота-онадан бири (васий);

тиббий хулосага мувофиқ вахта усулидаги ишларни бажаришига қарши кўрсатмалар бўлган шахслар(466-модда).

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси⁴⁴: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига кўра, Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади⁴⁵.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни⁴⁶: Хотин-қизлар ва эркакларнинг меҳнатга оид муносабатлари юзасидан қуйидаги ҳуқуқлар кафолатланган.

Жумладан, Қонуннинг 3-моддасида жинс бўйича бевосита камситиш тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, жинс бўйича бевосита камситиш деганда, жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш тушунилади.

Бироқ, хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатини муҳофаза қилишда уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш хусусиятлари жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди(5-модда).

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди(6-модда).

⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 01.09.1998 йил.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 4-модда. 01.09.1998 йил.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сон.

Иш берувчи эса, меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни рўёбга чиқариш мақсадида қуйидагиларни таъминлайди:

ишга ёллашда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни;

тенг меҳнат учун хотин-қизлар ва эркакларга тенг иш ҳақини (мукофотни) ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар ишининг сифатини баҳолашга доир тенг ёндашувни;

хизматда кўтарилиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишда тенг имкониятларни;

технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмларининг қисқариши оқибатида ходимларнинг сони (штати) ёки ишнинг хусусияти ўзгариши ёхуд корхона, муассаса ва ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда қонунда белгиланган афзалли ҳуқуқларни берган ҳолда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари тенглигини;

оилани ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича фарзандлари бор аёллар ва эркаклар фойдалана оладиган амалиётни жорий этиш ва ривожлантиришни, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёллар учун қулай меҳнат шароитларини яратишни;

хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда соғлиғини сақлашни таъминлайдиган, шу жумладан репродуктив функцияларни сақлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини;

меҳнат муносабатларида шахсларнинг кадр-қимматини поймол қилишга олиб келувчи номақбул муомалага ёки камситувчи меҳнат шароитларини яратишга йўл қўйилмаслигини;

хотин-қизлар ва эркаклар учун меҳнат фаолиятини, жамият ҳаётида иштирок этишни оилавий мажбуриятлар билан бирга олиб бориш учун тенг шароитлар яратишни, шу жумладан меҳнат қилиш имкониятини берадиган, болаларни парваришлаш бўйича муассасалар тармоғини ташкил этиш ва кенгайтириш орқали шароитлар яратишни(21-модда).

Шунингдек, қонунда жамоа шартномалари ва келишувларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари белгиланган. Жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилиши лозим бўлган асосий шартлардан бири хотин-қизлар ва эркеклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш(23-модда).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси⁴⁷: Кодексга кўра, мажбурий жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан (45¹-модда), ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан (46-модда) қўлланилмайди.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Умумий қисм. 01.04.1995 йил.

Аёллар ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилишга оид муҳим саналар

1. 1975 - йил Халқаро Хотин-қизлар йили. (Мехико, Мексика.)
2. 1976-1985 йиллар - БМТ аёлларининг ўн йиллиги: «Тенглик, Тараққиёт, Тинчлик».
3. 1979 йил - Аёлларга нисбатан турли шакллардаги камситишларни тугатиш тўғрисидаги Конвенция.
4. 1980 йил – 2 Бутунжаҳон Аёллар Конференцияси (Копенгаген, Дания)
5. 1985 йил – 3 Бутунжаҳон Аёллар Конференцияси (Найроби, Кения)
6. 1995 йил - Аёллар ҳолати буйича 4-Бутунжаҳон Конференцияси (Хитой, Пекин) Пекин Декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси
7. 1995-2004 йиллар БМТ Бош Ассамблеясининг 49 сессиясида «Инсон ҳуқуқларини таълимининг ўн йиллиги».

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияси. 01.05.2023 йил. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон. Фармони. 28.01.2022 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5116-сон қарори, 19.05.2021 йил..
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони. 01.03.2022 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони. 07.03.2022 йил. ПФ-87-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-46-сон қарори. 2023 йил 7 февраль.
7. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 01.09.1998.
8. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. 26.06.2019 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 22.09.1994.
10. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 01.04.1995.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни. 02.09.2019 йил.
12. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 30.04.2023 йил.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” қонуни. 02.09.2019 йил.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни. 02.09.2019 йил.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 02.09.2019 йил. ЎРҚ-562-сон.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2030 йилга қадар ўзбекистон республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида” қарори. 28.05.2021 йил. СҚ-297-IV-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори. 04.01.2020 йил. 3-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. 06.10.2021 йил. 625-сон.

Халқаро ҳужжатлар

1. Бирлашган миллатлар ташкилоти низоми. 1945 йил 26 июнь.
2. Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида конвенция. 1952 йил 20 декабрь, Нью-Йорк
3. Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация. 1967 йил 7 ноябрь
4. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция. 1979 йил 18 декабрь, Нью-Йорк.
5. Мажбурий меҳнат тўғрисида 1930 йилги 29-Конвенция.
6. Байрам кунларига ҳақ тўлаш ҳақида Конвенция (С52)- 13.07.1992 й;
7. Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 1935 йилги 47-Конвенция.
8. Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги 1936 йилги 52-Конвенция.
9. Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-Конвенция.
10. Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги 100-Конвенция.
11. Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги (қайта кўриб чиқилган) 103-Конвенция.
12. Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги 105-Конвенция.
13. Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги 111-Конвенция.
14. Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги 122-Конвенция.
15. Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги 135-Конвенция.
16. Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги 138-Конвенция.
17. Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги 154-Конвенция.
18. Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги 182-Конвенция.

19. Ходимларни иш жойидаги хавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар туфайли юзага келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисида 148-сонли конвенция. Женева. 1977 йил 20 июнь. 20) Бирлашмалар эркинлиги ва бирлашиш ҳукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида 87-сонли конвенция.

20. Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 1976 йилги 144-сонли Конвенция.

21. Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли Конвенция. Женева, 1969 йил 25 июнь

22. Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли Конвенция. Женева, 1947 йил 11 июль.

23. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенция.. Женева, 2006 йил.

24. Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида 167-сонли конвенция. Женева, 1988 йил 20 июнь.

25. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк

[Электрон таълим ресурслари](#)

1. <https://www.coe.int/ru/web/compass/european-social-charter>

**З.А.АМИРОВ
А.Б.ДАВРОНОВ**

**АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ МИЛЛИЙ ВА
ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИКДА ТАЪМИНЛАНИШИ**

РИСОЛА

Мухаррир: Талипова М.
Техник муҳаррир: Турсунова И.
Мусахҳих: Ибрагимова Г.
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Алибеков

Босишга рухсат этилди: 31.05.2023 й. Бичими 60x84 1/16
Офсет қоғози. Рақамли босма усулда. Times гарнитураси.
Шартли босма табағи 6,6. Нашр ҳисоб табағи 2,4.
Адади 100 нусхада. Буюртма: № 24/04-2.

«Impress media» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди
Тошкент ш.